

VATANPARVAR

ОНА ТИЛИМ

*Онамдайин мўътабарсан, мардумсан,
Заминимдай забардасту қадимсан,
Юз тирилиб, юз кўмилган дардимсан,
Она тилим – умрбоқий меҳварим.*

*Не даҳолар сув ичмаган наҳрингдан,
Бобурмирзо кўз ёш тўккан қадрингдан,
Момоларим ҳиди келар бағрингдан,
Она тилим – бағри мушки-анбарим.*

*Вужудинг бир сўниб, минг бор кўкарди,
Алишеринг эгик қаддинг кўтарди,
Ор-номусдай асрагай миллат марди,
Она тилим – нури иймон қадарим.*

*Туркий қавм борки, боқий умринг бор,
Ўрхун битикларин сақлар сириг бор,
Авестода мангу сўнмас нуриг бор,
Она тилим – оташи самандарим.*

*Шарққа зиё бериб турган фариштам,
Маъволарнинг ҳар буржиги ошифтам,
Мозийларга уланган улуғ риштам,
Она тилим – Оллоҳ берган назарим.*

Зулфия ЮНУСОВА



2020 йил 16 октябрь, №42 (2897)



5-бетада

**ЭР ЙИГИТНИ
ЭР ЙИГИТ ТАРБИЯЛАЙДИ**



8-бетада

**«ҒАРБИЙ ФРОНТДА
ЎЗГАРИШ ЙЎҚ»**

● Президент Шавкат Мирзиёев сирдарёлик фаоллар, сув тошқинидан жабрланганлар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари вилоят аҳли билан шундай ободликда, ёруғ юз билан кўришиб турганидан хурсандлигини билдирди. Охири беш ойда ҳамма синовдан ўтганини, ниҳоят матонат, меҳнат билан шароит тикланганини, қурилишлар, ўзгаришлар шу билан чекланиб қолмаслигини, бунинг учун катта марралар белгиланганини таъкидлади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси ҳамда Корея Республикаси билан ҳамкорликдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар лойиҳалар ижросини танқидий кўриб чиқиш, янги ўсиш нуқталарини белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда Президентимиз Ўзбекистоннинг стратегик шериклари бўлган Хитой ва Жанубий Корея билан ҳам олий даражадаги ташрифлар доирасида кенг кўламли келишувларга эришилганини эътироф этар экан, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, гуманитар ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни қамраб олган «Йўл харитаси» қабул қилинганини таъкидлади. Бу давлатлар билан ҳамкорлик бўйича имкониятлар кўп бўлса-да, ҳозирги натижалар етарли даражада эмаслигини, «Йўл хариталари» ижроси оқсаетгани, иш тизимли олиб борилмаётганини жиддий танқид қилди.

Шунингдек, йиғилишда Хитой ва Жанубий Корея билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги йўналишлар топиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКISTON



HAFTA ICHIDA

12

«ЙИГИТЛАР, ХЎ,
ЙИГИТЛАР...»

13

АСАДБЕК ФИКРИНИ
ЎЗГАРТИРДИ

16

«ОТАСИНИ
ТАНИМАГАН НОДОН»

21

ҲАРАКАТДАГИ
ХАВФЛИ ВУЛҚОНЛАР

«Ғалаба боғи» –

халқимиз қаҳрамонлигини акс эттирган яхлит мажмуа

“ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ҳамда унинг ҳудудида «Шон-шараф» давлат музейи бунёд этилган эди.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб барпо этилган «Ғалаба боғи» мемориал мажмуаси жорий йилнинг 9 май санасида тантанали равишда очилди. Мамлакатимиз ва бутун дунёда кузатилган коронавирус пандемияси туфайли оммавий тадбирлар бекор қилингани боис, ушбу боғ ва музей ҳам фаолиятини вақтинчалик тўхтатиб турганди.

Ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги шонли тарихини, она халқимизнинг қаҳрамонлигини яхлит акс эттирган ушбу мажмуа ўз иш фаолиятини бошламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ғояси ва ташаббуси билан инновацион технологиялар асосида, Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги беқиёс жасоратини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва «Шон-шараф» давлат музейи экспозициялари халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган



мардлик ва матонатини, юсак инсоний фазилатларини намоён этиш ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

«Ғалаба боғи»нинг умумий майдони 14,6 гектар. Мажмуа рамзий 12 та ҳудудга бўлинган бўлиб, кириш қисми, урушнинг даҳшатли қиёфаси, марказий хиёбон, ҳарбий техникалар майдончалари, темир йўл вокзали, фронт орти ҳудуди, амфитеатр ва маъмурий бино, мотам ва андух ҳудуди, шоду хуррамлик ҳудуди, ғалаба ҳудуди, «Шон-шараф» давлат музейи ва шукроналик ҳудудидан ташкил топган.

Боғда уруш ва унинг оқибатлари, уруш даври манзаралари, жумладан окоп ва блиндажлар, палаткалар, дала ошхоналари ва бошқа лавҳалар акс этган мажмуада ўша даврдаги ҳарбий техника ва қурол-яроғлар, Ўзбекистон халқининг фронт ва фронт ортида кўрсатган жасорати, машаққатли меҳнати, қайғу-алами, шунингдек, эришилган буюк ғалабага қўшган улкан хиссаси ифодаланган.

Боғнинг «Матонат мадҳияси» мажмуасида бутун ўзбек аёлларининг садоқати рамзига айланган зангиоталик Зулфия Зокирова ва унинг урушда ҳалок бўлган беш ўғлининг вафодор рафиқалари сиймоси акс этган.

«Кўз ёши» мажмуаси урушнинг мудҳишлиги, миллати ва динидан қатъи назар, барча одамлар бирлиги рамзини ифодалайди.

«Шон-шараф» давлат музейининг юқори қисмида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 301 нафар қаҳрамонимиз шарафига экилган дарахтлар, шунингдек, «Мангу жасорат» деб номланган мажмуада афсонавий ўзбек генерали Собир Раҳимов ва барча ўзбекистонлик ботир жангчиларнинг сўнмас хотираси ифодаланган.

Бу мажмуа бизни бугунги тинчлик-осойишталик, мусаффо осмон, фаровон ҳаёт қанчалик бебаҳо неъмат эканлигини, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурч эканлигини англатади.

«Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси раҳбарияти барча юртдошларимизни Иккинчи жаҳон уруши давридаги шонли тарихимиз акс этган мазкур масканга таклиф этади.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

МУЛОҲАЗА

” Глобаллашув муҳитида мамлакатлар ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётган бир вақтда ҳар бир халқ, ҳар қайси давлат миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият қаратиши табиий.



Она тилимизга бўлаётган эътибор ва унинг том маънода давлат тили сифатидаги мавқеини юксалтириш йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бизга ўзбек тилига бўлган муносабатимиз ҳақида яна бир карра жиддий ўйлаб кўриш, она тилимизга четдан бир қур назар ташлаш, таҳлил ва тафаккур этиш имкони ва масъулиятини беради.

Мамлакатимизда давлат тилини ривожлантириш ва уни барча жабҳаларга кенг жорий этиш борасидаги ишларга эътибор сўнгги йилларда ғоят ошди. Ўтган бир йил оралиғида амалга оширилган ишлар тўғрисида сўз кетганда, кўпчиликнинг эътиборини тортган муҳим бир ўзгаришни қайд этиш ўринли. Илгари давлат тилига бағишланган гап-сўзлар, тадбирлар, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар асосан, «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун – 21 октябрь олдидан кўпаяр эди-ю, кейин гўё бу масала деярли унутилар эди. Эндиликда бу йўналишдаги ишлар мамлакатимизда тобора кенг кўламли ва мунтазамлик касб этиб бормоқда.

Буни, аввало:

оммавий ахборот воситалари – телерадиоканаллар, газета-журналлар, ижтимоий тармоқларда, жумладан, Давлат тилини ривожлантириш департаментининг расмий сайти ва унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида давлат тилини тарғиб қилиш, муаммолар ва камчиликлар ҳақида танқидий-таҳлилий чиқишлар сезиларли даражада кўпайиб, жамоатчиликнинг эътибор ва эътирофига сазовор бўлаётганида;

барча бўғиндаги маслаҳатчилар ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда жойларда рекламалар матнлари, пешлавҳалар, жой номларини давлат тилига ва рекламага оид қонунлар талабларига мослиги юзасидан бирма-бир хатловдан ўтказиб, тегишли чора-тадбирлар кўраётганида;

давлат тилини ривожлантириш, амалиётда қўллаш, фаол ўрганиш, ўзбек тилининг илмий асосларини янада мустаҳкамлашга бағишланган турли танловлар, жумладан, илмий ишлар учун грант танловлари ўтказилаётганида, янгидан янги китоблар, луғатлар, қўлланмалар нашр этилаётган-

Она тилимизга саддоқам ватаний ишдир

нида, уларнинг электрон шакллари интернет тармоғига жойланиб, минглаб-миллионлаб мухлислар томонидан фаол фойдаланила бошлаганида кўриш мумкин.

Эътибор беринг, ҳукуратимиз томонидан деярли бир йил ичида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида давлат тилини ривожлантиришга қаратилган 1 та қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 9 та қарори қабул қилинди.

Тилимиз ривожини учун сармоя киритувчи махсус ташкилот тузилгани ҳам эътиборга молик воқеадир. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан махсус жамғарма ташкил этилди. Бу жамғарма маблағлари ўзбек тилини ривожлантириш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, шу мақсаддаги лойиҳаларга грантлар ажратиш, китоблар, қўлланмалар, луғатлар ва бошқа ноширлик маҳсулотлари чиқариш, илмий тадқиқотларни, шунингдек, тилимизни ривожлантиришга оид медиа маҳсулотлар, компьютер дастурлари,

мобиль иловалар ва бошқа электрон материалларни тайёрлаш ишларини қўллаб-қувватлашга сарфланади. Бундан ташқари, ўзбек тилининг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида она тилимиздаги материалларни чет мамлакатлардаги ўзбек тилини ўргатиш марказларига, ватандошларимизга етказиб беришдек хайрли ишларга йўналтирилади.

Давлат тилини ривожлантириш учун масъул бўлган мутасадди ташкилот томонидан географик объектлар номлари соҳасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2020 йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари вилоят, туман (*шаҳар*) кенгашларининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган 15 062 та географик объект номи экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 7 745 таси давлат реестри базасига киритилди. 3 366 таси қонун ҳужжатлари талабларига номувофик деб топилди, ҳудудий комиссияларга қайтарилди, ҳозирги кунда 3 951 та ном экспертлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Тизимли ишларнинг давоми сифатида тил жонкуярлари ва масъуллари томонидан юртимизнинг барча ҳудудида «Давлат тили ҳақида»ги, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги қонунлар ижроси ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар давомида Тошкент шаҳридаги ташқи рекламанинг 17 фоизи давлат тилида, 83 фоизи аралаш тилларда экани аниқланди. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид, реклама қонунчилигига мос келмайдиган 2 мингдан ортиқ пешлавҳалар олиб ташланди.

Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш йўналишидаги ишлар тўхтаб қолгани йўқ. Ҳозирги кунда тилшунос олимлар ва соҳа жонкуярлари томонидан бир қатор илмий-амалий асарлар устида иш олиб борилмоқда.

Она тилимиз ривожини ва тарғиботи йўлида республикамиз ҳукумати томонидан халқаро ҳамкорлик йўналишидаги фаолиятга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбек тили бир қатор хориж давлатларининг 60 га яқин университетлари ва 100 дан зиёд мактабларида ўрганилмоқда. Мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида «Ўзбек тилининг дўстлари» клублари ташкил этилмоқда. Биргина 2020 йилнинг ўзида Ташқи ишлар вазирлиги орқали хориждаги 36 та элчихона ва консулхонага электрон кўринишда жами 250 номдаги ўзбек тили дарсликлари, методик қўлланмалар, илмий ва бадиий китоблар етказиб берилди. Шунингдек, Давлат тилини ривожлантириш департаменти бошчилигида АҚШ, Туркия, Озарбайжон ва Украинада ўзбек тилининг жозибаси ва уни ўрганиш услубларига бағишланган 10 га яқин вебинар (*онлайн-семинарлар*) ўтказилди.

Йил давомида она тилимизнинг тарғибот ва ташвиқот йўналишида жуда кўплаб ишлар амалга оширилган бўлиб, бу фаолиятга ҳам тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблайман. 2020 йилнинг сентябрь ойигача бўлган таҳлилларига кўра, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга қаратилган ислохотлар самарадорлиги бўйича оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида жами 505 та материал эълон қилинган бўлиб, уларнинг 161 таси (*32 фоиз*) босма нашрлар, 201 таси (*40 фоиз*) телерадиоканаллар ва 143 таси (*28 фоиз*) интернет тармоғи ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш, тилимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашувни ривожлантириш мақсадида илмий-ижодий ишлар танловлари ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда тилимиз ривожига қаратилган 4 та йўналиш бўйича грант эълон қилинган. Мазкур танлов ғолиблари 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни арафасида аниқланиб, Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тақдирланадилар.

Эътибор берган бўлсангиз, соҳа мутасаддилари томонидан бир йил ичида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш йўлида таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилган. Она тилимизнинг тарғиботчиси сифатида тилимиз нуфузи ва мавқеини кўтариш борасидаги ишларнинг келгуси яқин истиқбол ичида тизимли равишда давом эттирилишини ишонч билан таъкидлаб ўтмоқчиман.

Яна бир гап, жорий йилнинг 7 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тили байрами муносабати билан ташкил этиладиган умумхалқ байрам тадбирларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги баёни қабул қилинди. Баён билан ўзбек тили байрами кунини республикамиз бўйлаб кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастури, медиа-режа ҳамда байрам тадбирларининг намунавий сценарийси тасдиқланди. Демак, Ўзбек тили байрами куни умумхалқ байрами сифатида нишонланишига яна бир хайрли одим ташланди.

Қаҳрамон КАМОЛОВ,
Давлат мудоффаи саноати қўмитаси
раисининг маслаҳатчиси

ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Жанговар шайликнинг ЭНГ муҳим бўғини

“ Шимоли-ғарбий ҳарбий округда қўшинлардаги энг масъулиятли тадбирлардан бири – қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни қишки мавсумда фойдаланиш режимига ўтказиш ишлари бошланди.



Ушбу комплекс тадбирлар ҳарбий техникаларни юқори жанговар шайлик даражасида ушлаб туриш ҳамда об-ҳавонинг совуқ шароитида созлигини таъминлаш учун ўтказилмоқда.

Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмларнинг бирида қурол-яроғ ва ҳарбий техникаларни қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш бўйича кўргазмали машғулот ҳам ташкил этилди.

Унда Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов, округ қўмондонлиги ҳамда Нукус ва Урганч гарнизонларидаги ҳарбий қисмларнинг масъул

ҳарбий хизматчилари иштирок этди.

Тадбирда ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг жанговар шайлигини таъминлаш, уларни соз ҳолатда сақлашда кўрсатилаётган техник хизматларнинг аҳамияти таъкидланди. Ҳар бир командир, ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзига бириктирилган қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг соз ва шайлиги учун масъул эканлиги эслатилди.

Ҳарбий қисмнинг жанговар ва ҳарбий техникаларни сақлаш паркида олтига ўқув нуқтаси ташкил этилди. У ерда қурол-яроғ ва техникаларни қишки шароитда фойдаланиш режимига ўтказиш ишларининг аҳамияти, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш,

ташкил қилинган постларда самарали ва сифатли иш олиб бориш, об-ҳавонинг паст ҳароратли шароитларида ишлатиш қоидалари, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича мутахассислар томонидан йўриқномалар берилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларни мавсумий режимда фойдаланишда техник хизмат кўрсатиш ишларини кўргазмали машғулот иштирокчиларининг ўзлари ҳам бажариб кўришди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



БАРКАМОЛ АВЛОД

“ Ўқиш ёки ишдан ортиб, кўҳна ва диққатга сазовор масканларга қадам ранжида қилсангиз, тарих ва бугунни туташтирган мажмуаларга разм солиб, ўйга чўмасиз. Муқаддас иншоотлар қаршисида туриб, бу ёруғ ҳаётда ўзингиздан қандай из қолдираётганингиз ҳақида мушоҳада юритасиз. Шуурингизда беихтиёр эврилиш сезасиз. Қуролли Кучлар академияси томонидан «Эр йигитнинг эр йигитга айтар сўзи таъсирли бўлади» шиори остида ўтказилган тадбир ана шундай қадамжоларда ўтказилди.

Шайхонтоҳур туманидаги умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳамда Қуролли Кучлар академияси курсантлари дастлаб пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи» мажмуасида Иккинчи жаҳон урушидаги қирғинбарот жанг-жадалларда ўзбек халқининг кўрсатган жасорати, матонати ва қаҳрамонликларининг ёрқин намуналари билан танишди.

Муҳташам боғ саҳнидаги ёдгорлик мажмуаси, хусусан, очиқ осмон остида ўша давр ҳарбий



Муаллиф суратга олган

техника ва қурол-яроғлари, ўзбекистонлик жангчиларни темир йўл вокзали орқали фронтга элтган вагонлар тарихимизнинг бир қисми бўлган уруш даврини ўзида акс эттиради. Ўқувчилар боғ ҳудудида жойлашган «Шон-шараф» музейи экскурсоводлари кўмагида ушбу маскандаги барча осориатикалар, нодир экспонатлар билан яқиндан танишди.

Ўқувчилар кейинги манзилда Қуролли Кучлар академиясининг меҳмони бўлди. Ушбу олий ҳарбий таълим муассасасида курсантларга яратилган замонавий шароитларга гувоҳ бўлиб, ҳайрати ва ҳаваси ошди. Экскурсия чоғида академия тарихи музейи, кутубхона, ўқув аудиториялари, спорт мажмуаси, курсантлар ётоқхонаси таништирилди. Академия ошхонасида уюштирилган тушлик ҳам ёшларнинг ёдига муҳрланди.

«Адиблар хиёбони»да буюк ижодкор, мутафаккир боболаримиз ҳайкали қад ростлаган. Бу масканда академия курсантлари ўқувчиларга ҳар бир адибнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ва юрт равнақига қўшган ҳиссаси тўғрисида батафсил маълумот берди. Хиёбон бўйлаб сайр

чоғида ўқувчиларни суҳбатга чорладик.

– Йигит киши оила, Ватанининг ҳимоячиси бўлади, – дейди Муҳаммад Абдуллаев. – Инсонда аввало, ватанпарварлик ҳиссини юксалтирадиган ушбу масканларга биринчи марта келдик. Айниқса, академияда шароитларни кўриб, она юртимизга хизмат қилиш иштиёқи янада ортди. Албатта, биз, ёшларга яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимизга муносиб фарзанд бўламиз.

Ўқувчиларнинг таассуротларининг тинглари эканми, тадбир аввалида кўзланган барча мақсадларга эришилганига амин бўлдик.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

ЭР ЙИГИТНИ

ЭР ЙИГИТ ТАРБИЯЛАЙДИ

“ Бугун жамиятимизда ёшларнинг ролини ошириш, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши, катта ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун мамлакатимизда қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Нукус гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлими билан ҳамкорликда шаҳар умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда профилактик ҳисобда турувчи ёшлар иштирокида «Ҳарбий қисмдан олган таассуротларим» мавзусида мажмуавий тадбирлар бўлиб ўтди.

«Эр йигитнинг эр йигитга айтар сўзи таъсирли бўлади» шиори остида ўтказилган тадбир дастлаб ҳарбий қисм кутубхонасида давра суҳбати билан бошланди. Унда мутасадди ташкилотлар вакиллари ёшлар учун берилган кенг кўламли имтиёзлар, ҳарбийлик касбининг нуфузи, таълим-тарбия олган инсоннинг келажаги буюк эканлиги ҳақида маъруза қилишди.

Учрашув давомида ўқ отиш тайёргарлигининг

компьютерлаштирилган машғулот хонасида мерганлик бўйича мусобақа ташкил этилди. Ташкил этилган навбатдаги ўқув жойида ёшлар учун кичик дала-ўқув майдонида аскарлар томонидан амалий машғулотлар намойиш этилди. Ҳарбий соҳага қизиқиши ортиб борган ёшлар ҳақиқий ўқотар қуролларни диққат билан ўрганишга киришди.

Навбатдаги ўқув жойи ёшлар учун қутилмаган бўлди. Унда чавандозлик тайёргарлиги билан шуғулланаётган муддатли ҳарбий хизматчилар ёшлар учун маҳорат дарсини ташкил этиб, жанговар ҳаракатларда отлардан фойдаланишни ўргатишди.

Учрашув якунида машғулот ва мусобақада фаол иштирок этган ёшлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИК

ДАСТЛАБКИ КЎНИКМАЛАР БЕРИЛДИ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг биринчи босқичига қабул қилинган курсантлар иштирокида билим юрти дала-ўқув майдонида Ахлоқий-руҳий тайёргарлик куни доирасида кўргазмали ва амалий машғулот бўлиб ўтди.



Полигондаги ҳаётий вазиятларга мос тарзда жиҳозланган турли тўсиқлардан ўтиш, юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни бартараф этиш ва бу жараёнда ҳарбий хизматчиларнинг психологик дунёсида кечадиган ўзгаришларни таҳлил қилиш масалалари кўриб чиқилди. Ватан ҳимояси учун бел боғлаган курсантларга билим юртининг йўриқчи-ўргатувчилари дастлабки кўникмаларни беришди.

– Ҳарбий хизмат, унинг машаққати ва шарафи ҳақида шу кунгача кўп эшитган, ўрни келса гапирган эдим. Лекин бугун фикрларим бутунлай янгиланиб кетди, – дейди 1-босқич курсанти Ёқуб Мажидов. – Чунки бугун ўша нарсаларнинг кўпини юракдан ўтказдим. Албатта, ҳали олдинда кўп машаққат ва қийинчиликлар бор. Бизга умид билдирган ота-онамиз, яқинларимиз ва энг муҳими, она Ватан ишончини оқлашга бутун вужудимиз билан ҳаракат қиламиз.

Қатъий режага асосланган кун тартиби бўйича ўтаётган ҳар бир кун курсантлар учун тажриба мактаби бўлмоқда.

Майор Азиз АБДУВАИТОВ

ҲУҚУҚИЙ ПРОФИЛАКТИКА

Сўнги йилларда коррупцион йўналишдаги жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Қуролли Кучлар академиясида «Коррупцияга ўрин йўқ» мавзусида видеоконференция ўтказилди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎЛИДА



Унда Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари, Миллий гвардия, Республика Ҳарбий прокуратураси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги вакиллари ҳамда академия профессор-ўқитувчилари қатнашди.

– Коррупцияни соддароқ қилиб, ўз нафси, манфаати йўлида қонунни ҳам четлаб ўтиш орқали ғаразли мақсадига ёки бирор нарсага эришиш, дейиш мумкин, – дейди подполковник Бахтиёр Пардиев. – Бу жараёнда ҳар доим камидан икки томон иштирок этади. Шундай экан, нафақат пора олган, уни берган ҳам айбдор. Аммо коррупцияга йўл қўйилаётганини бир ой ичида хабар берган шахс жазодан озод этилади. Шундай экан, коррупцияга қарши курашиш, жамиятни бундай иллатдан холи қилиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли бурчдир.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга мавзуга оид профилактик видеоматериаллар намойиш этилди.

Айжамал ЖАНИБЕКОВА



Муаллиф суратга олган

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР АКАДЕМИЯСИДА

Халқаро илмий онлайн-конференция

(2020 йил 4-5 ноябрь)

2020 йил 4-5 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти кўмагида «Замонавий ҳарбий низоларнинг ўзига хос хусусиятлари (олинадиган сабоқлар контекстида)» мавзусида халқаро илмий онлайн-конференция ўтказилади.

Бугунги кунда дунё бўйлаб кенг тарқалган «COVID-19» пандемияси билан боғлиқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тадбир видеоконференция-алоқа орқали онлайн тарзда, виртуал мунозара кўринишда ташкил қилинади.

Халқаро конференциянинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгиланган:

– замонавий ҳарбий низоларнинг янги шаклий ўзгаришларини ўрганиш ҳамда гибрид таҳдидларга қарши курашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, Қуролли Кучлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тажриба алмашиш;

– ҳарбий тўқнашувлар ва ноанъанавий таҳдидларга қарши кураш бўйича миллий ва халқаро тажрибани умумлаштириш;

– хорижий олий таълим марказлари ва тадқиқот марказлари билан ўзаро тажриба алмашишни кенгайтириш.

Онлайн-конференцияда хорижий мутахассислар ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой қўмитаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий Аксилтеррор тузилмаси, Шимолий Атлантика Шартномаси ташкилоти, Жорж Маршалл номидаги Хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича Европа маркази, Америка Қўшма Штатлари Миллий мудофаа университети қошидаги АҚШ Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё стратегик тадқиқотлар маркази, Россия, Туркия, АҚШ,

Буюк Британия, Германия, Польша, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Корея, Покистон, Беларусь, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистоннинг олий ҳарбий таълим муассасалари мутахассислари иштирок этади.

Халқаро илмий онлайн-конференция материаллари ва тавсиялари, Қуролли Кучлар ислохотлари ижобий тажрибалари, замонавий ҳарбий низоларда ҳарбий санъат ривожининг янги тенденциялари, таълимнинг инновацион ёндашувларини ўрганишга, умуман, ҳарбий хизматчиларнинг билими ва дунёқараши янада кенгайишига хизмат қилади.

Майор Холмуҳаммад ЖЎРАБОВ



21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ



Ҳозир мен сизга мурожаат қилиб турган тилда, яъни ўзбек тилида дунё бўйлаб қарийб 50 миллион киши сўзлашади. Улардан 2 миллион 700 минг нафари Афғонистонда, 1 миллион 200 минг нафари Тожикистонда, 796 минг нафари Қирғизистонда, 500 минг нафари Туркменистонда истиқомат қилади. Яна минглаб тилдошларимиз дунёнинг турли ҳудудларида ҳаёт кечирмоқдалар. Демак, мен айна дамда 50 миллион кишига мурожаат этаётган бўлсам, не ажаб!

ТИЛ – ДИЛ КЎЗГУСИ

Грузинларнинг «Мимино» фильмида бош қаҳрамоннинг исми Мимино. У ўзи туғилган Телави қишлоғига қўнғироқ қилиш учун шаҳардаги телефон шохобчасига келиб, уни қишлоғи билан улаб беришларини сўрайди. Хизмат шохобчасидаги ходимлар эса адашиб Исроилнинг Тель-Авив шаҳрига улаб беришади. Аксига олиб гўшакни Исроилда яшовчи нотаниш, аммо грузиялик ватандоши кўтаради. Мимино узр сўраб, телефонни қўймоқчи бўлган пайтда: «Тўхта, грузинмисан?» деб сўрайди Исроилдаги мусофир. Мимино бунга тасдиқлагач, – Кел, бир грузинча қўшиқ айтайлик!» деб илтимос қилади. Сўнг иккови грузинча машҳур қўшиқни куйлашади. Кейин бирданига йиғлай бошлайди. Ўшанда кинони томоша қила туриб она тилининг, она Ватаннинг соғинчи тоғни урса талқон қилгудек йигитларни йиғлатса-я, дегандим. Аммо ўзим қайта-қайта кўрсам ҳам, кўз ёшисиз кўролмадим, шу фильмни. Она тили шундай буюк туйғу эканки, инсон қалбини сел қилиб юборади.

Она тилимиз ҳақида ўйласам, бир воқеа эсимга тушиб,

юзимга табассум югуради. Бундан икки йил аввал (2018 йил) Самарқандда ўтказилиши керак бўлган туркий тилли ёш ижодкорларнинг халқаро фестивалига бир гуруҳ ижодкорлар йўл олди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Устозлар, тадбир қатнашчилари ҳамда меҳмонлар Тошкентда йиғилди. «Регистон» поездида чиқиб, «Самарқанд шеър оқшомлари» фестивалига отландик. Гуруҳимизда қирғизистонлик, қозоғистонлик, туркменистонлик, озарбайжонлик, туркиялик ёшлар бор эди. Туркиялик, озарбайжонлик, туркменистонлик ва ўзимизнинг хоразмлик ёш ижодкорлар тилмочсиз тил топишиб кетишди. Йўл-йўлакай қирғизнинг ёш оқини дўмбира чертиб, ўз ўланни бошлаб юборди. Хуллас, бироз ўтиб, ҳамма бир-бири билан дўстона танишишга киришиб кетди. Мен ҳам меҳмон қизлар билан танишиб, суҳбатларини завқ билан тинглаб кетдим.

Қирғиз йигит озарбайжонлик ёш шоирга ўз юрти ҳақида сўзлар, озар тенгдошимиз эса унинг гапларини тушунмай, бизга ўзларнардан. Биз қирғиз дўстимизнинг айтганларини ўзбекчага ўгириб

турардик. Ўшанда бизнинг гапларимизни, нафақат қирғиз ёки қозоқ, балки озарбайжон ва туркиялик дўстларимиз ҳам кўп машаққатсиз тушунаётганларини кўрдим. Уч кунлик тадбир давомида ҳам ўртамаздаги мулоқот тили ўзбек тили бўлди.

Дарҳақиқат, ўзбек тили ўшанда умуммулоқот тилига айланганини кўриб, ростки, ич-ичимиздан севиндик. Шунда беихтиёр болаликда ёдлаган шеърим хаёлимга келаверди:

*Она тилим – онажоним тили бу,
Бешиқданок синган жону қулоққа.
Элу юртим, хонумоним тили бу,
Қадимликда ўхшар она тупроққа.*

(Миртемир)

Ўйлаб кўрсак, чиндан-да, ўзбек тили барча туркий тиллар орасидаги ягона «о»ловчи ва ягона ўрта тил экан. Турк, озарбайжон, туркман, гагауз сингари ўғуз лаҳжаси устун туркий тилларнинг ҳам, қозоқ, қорақалпоқ, татар, бошқирд каби қипчоқ лаҳжаси устун туркийларнинг ҳам, уйғур сингари қарлуқ лаҳжаси устун туркийларнинг ҳам тил унсурлари ўзбек тилида ўз аксини топган. Деярли барча туркий тиллардаги отларнинг аксари ўзбек тили шеваларида мавжуд. Масалан, Қаршида сигирни инан дейдилар. Бу сўз туркчада «инек» тарзида ишлатилади. Хоразм шевазидаги қаринча (чумоли) сўзи

ҳам туркчада «каринжа» шаклида талаффуз қилинади. Ўзимизнинг «китоб» сўзи туркларда «китап» шаклида айтилади. Бунга ўхшаш мисоллар кўп.

Айни вақтда ўзбек тили дунёнинг қарийб 60 та университетидан ўқитилади, 100 дан ортиқ мактабда ўргатилади. Бу тил Олтой тиллар оиласининг туркий тиллар туркумига мансубдир. Дунёдаги йигирма тўртта қардош туркий тиллар орасида атиги олтитани ташкил этувчи барқарор туркий тиллардан биттаси ҳам шу тилдир.

«Менинг Доғистоним»да ўқиган маълумотимга кўра, Доғистон аҳолиси уч миллионга ҳам етмас экан. Уларда ҳар бир қишлоқнинг ўз тили бўлиб грузин, лезгин, авар каби ўттизга яқин тилларда сўзлашишар экан. Ўзбекистонда эса ўттиз беш миллионга яқин аҳолини ягона – ўзбек тили бирлаштиради. Бунда мақсадлар, тиллар муштаракдир.

Бугун чет элда таълим оладиган тенгдошларимиз қанча бўлса, шунча ўзбек тили бор. Қувонарлиси, бу тилда ўзбекчилик, миллий тафаккур яшайди. Шуларни ўйлар эканман, қадриг баланд бўлсин, она тилим, дегим келади.

Шоҳсанам НИШОНОВА

“ Тил ҳар бир миллатнинг улкан бойлиги, беназир қадрияти ва бебаҳо мулки ҳисобланади. Ҳар бир халқ, элат, ўзи ҳурмат ва эҳтиром қиладиган тилга эга.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 31 йиллиги муносабати билан жойларда ўтказилаётган давра суҳбати, тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Самарқанд шаҳрида жойлашган Қуролли Кучлар Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказида «Қадринг баланд бўлсин, она тилим!» шиори остида ўтказилди.

Унда Самарқанд давлат чет тиллар институти Филология факультети ўқитувчиси М. Осмонов «Тилга эътибор – элга эътибор» мавзусидаги маърузаси билан иштирок этди.

Шуни айтиш керакки, ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Турли даражадаги расмий учрашувлар, музокараларда ўзбек тилининг кенг қўлланилаётганлиги, хориждаги кўплаб университетлар, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, уларда она тилимизни ўрганишга қизиқувчилар сафи тобора ортиб бормоқда.

Мазмунли ва байрамона руҳда ўтган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

КБХХ, оддий аскар Хайрулло ЎЛМАСОВ, марказ пресс-атташеси

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ



КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

«ҒАРБИЙ ФРОНТДА
ЎЗГАРИШ ЙЎҚ»

ЭНГ ЁМОН

НАРСА

ҲАҚИДАГИ ЭНГ

ЯХШИ АСАР



Инсон умри давомида бир марта бўлса ҳам урушга бағишланган асар ўқийди. Бундай асарларнинг ҳар бирида кимнингдир дарди яширинган бўлади. Немис адиби Эрих Мария Ремаркнинг «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ» романида кимнингдир эмас, балки бутун бир инсониятнинг дарди акс этган. Шу боис асарни ўқиб тугатганимдан сўнг буни ҳамма ўқиши керак, деган хулосага келдим.

Бу асар олти ҳафтада ёзилган экан. Биринчи жаҳон урушида қатнашган ва беш марта жароҳат олган Ремарк уруш ичида бўлиб, унинг дахшатли оғриқларини ўзида ҳис қилгани учун ҳам роман катта муваффақият қозонган.

Ремарк коммунистик мафкурага ҳам, буржуа мафкурасига ҳам хизмат қилмади. Шунинг учун Гитлер ҳокимият тепасига келиб, адиб Германияни тарк этишга мажбур бўлганидан кейин унинг асарлари кутубхоналардан йиғиштириб олинди ва шаҳар майдонларида намоёншкорона ёқиб юборилди. У ўз асарларида фашизмнинг асл башарасини аёвсиз фожият этган, уруш дахшатларини, унинг кишилар тақдиридаги фожияли оқибатларини ғоят табиий бўёқларда акс эттирди.

Асар қаҳрамони – ўн олти ёшни қаршилаб улгурмаган Паул ва унинг дўстларини уруш ўз домига тортади. У ҳали мактабни ҳам тамомламай тенгдошлари билан музейларга, кутубхоналарга эмас, урушга сафарбар этилади. Ҳаёт пиллапояларидан эндигина тетапоя қилиб келаётган ўсмирлар биринчи жангнинг ўзидаёқ катта инсонларга айланишади.

«Мен ёшман – эндигина йигирмага кирдим, лекин кўрганларим қон, ўлим, кўрқув ва мудҳиш азоб-уқубатдан иборат нурсиз, бемақсад ҳаёт бўлди. Кимдир бир халқни иккинчисига гиж-гижлайди, одамлар бирининг иродасига бўйсуниб, бир-бирини ўлдирди, лекин жиноят қилаётгани ва гуноҳга ботаётгани ҳақида ўйламайди. Инсониятнинг энг доно вакиллари янги-янги қуролларни яратади ва буни оқлаш учун қоп-қоп сўз топади. Жазосини биз тартамыз, Ер юзидаги жамики тенгдошларим тартади».

Урушга тайёргарлик пайтида устозлар томонидан айtilган уруш ҳақидаги романтик ғоялар, ватанпарварликни улуғловчи баландпарвоз нутқлар хандақдаги дахшатли воқеликлар, замбараклар остида, душман бостириб келаётганда ва

дўстларининг ўликлари қаршисида турганида чўпчакка айланган эди. Ҳокимият тепасида турган «катталар» уларга «Сизлар жасорат кўрсатасизлар, сизлар Ватан учун шарафли бурчингизни амалга оширяпсизлар», дея руҳлантирган эди. Аслида улар бу урушда ҳеч қандай мақсадсиз, йўлини йўқотган инсонлар эди.

«Ўн ҳафта ҳарбий таълимдан ўтдик, шу вақт орасида бизни ўн йил мактабда ўқиганимиздан кўра ҳам ошириброқ тарбиялаб ташлашди. Ярқираб турган тугма Шопенгаурнинг тўрт жилдли асарларидан афзал эканини миямизга куйишди. Бу ерда ҳамма нарсани ақл-идрок эмас, этик чўтка, фикр-мулоҳаза эмас, қачонлардир жорий этилган тартиб-қоида, эркинлик эмас, зўрма-зўраки машқлар ҳал қилишини аввал таажжубланиб, кейин афсусланиб, сўнг эса лоқайд бир кайфиятда англаб етдик. Биз ўз ихтиёримиз билан аскар бўлган эдик; аммо бу туйғуни юрагимиздан



сиқиб чиқариш учун ҳамма чорани кўришди. Орадан уч ҳафта ўтар-ўтмас кичик зобит погонини таққан қандайдир почталён бизга ота-онамиз, ўқитувчиларимиз, Афлотундан тортиб, Гётегача бўлган жамики даҳоларга нисбатан ҳукмини кўпроқ ўткази олишига ишонч ҳосил қилдик. Ўқитувчиларимиз жўшиб-тошиб тасвирлаган Ватан образи бу ерда ўзлигидан буткул воз кечган инсон шахсиятида мужассамлашганини тиниқ, ўткир нигоҳларимиз билан тезгина илғаб олдик. Бунақа нарсани ҳеч ким, ҳеч қачон ҳатто қулвачадан ҳам талаб қилмасе керак. Кафтни чаккада қотириш, ғоз туриш, ҳадеб юришни машқ қилиш, милтиқни маълум вазиятда тутган ҳолда табриклаш, бетиним гоҳ ўн-га, гоҳ сўлга бурилиш, пошналари уриштириш, ҳақорат ва айбсотишларга чидаш, – ё Парвардигор! – лекин биз бурчимизни тамомила бошқача тасаввур этардик, бизни мислсиз жасоратларга ўргатишади, деб кутгандик».

Паул ишонган инсонлар – обрўли ва зиёли шахслар ўсмирларни етукликка эмас, ўлимга юборади.

«Бу китоб айбнома ҳам, афвнома ҳам эмас. Бу шунчаки уруш дастидан жувонмарг бўлган авлод ҳақидаги, гарчи замбарак ўқидан жони омон қолса-да, шу урушнинг қурбонига айланганлар тўғрисидаги кўнгил изҳоридир».

Эрих Мария РЕМАРК

Паулнинг дўстлари билан суҳбати соғлом фикрловчи инсон қалбини ларзага келтиради. Ишонинг, асарнинг бирор ўрнида душман тарафни айбловчи сўз тугул, унга ишора ҳам йўқ. Шуниси қизиқки, душманлар жангчи йигитларнинг юқори мартабали бошлиқлари эди. Ўсмирларнинг ҳисси ва ички ғалаёнлари барча-барчаси уларга қаратилган эди. Асарни ўқий туриб шундай хулосаларга ҳам дуч келасиз, «давлат ва Ватан битта нарса эмас».

«Уруш аслида ўзлари умуман жангга кирмайдиган бир қанча инсонлар учун фойдалидир. Бу бемаъниликнинг энг ёмон тарафи

уни тарк этипти.

Аскарлар учун сувнинг, ернинг ва ноннинг борлиги бахт эди. Очнаҳор дахшатли жангга кириб, у ердан силласи қуриб, салкам ўлик мисоли қайтган жангчилар учун албатта егулик ҳар нарсадан устун бўлиб қолади-да. Борди-ю, ўқлар ва замбараклар ёғилаётганини миялари яшин урганчалик вақтда англаса, замин билан бир бутун бўлиб кетишади. Асарда ўликлар ҳам тириклар ҳам, замин бағрига ошиқади.

«Тўпчининг оғзидан трубкаси тушиб кетади. Нонни сийпалаб кўради:

– Ҳа, нон, ростакан нон, ҳали совимаган!

Заминнинг қадрини ҳеч ким аскарчалик билмайди. Ўлим ваҳимаси уни чалпак қилиб тупроққа қапиштириб ташлаганда ер аскар учун яккаю ягона дўст, оға ва онага айланади. Аскар бутун вужуди билан заминга ёпишиб, юз ва лабларини тупроққа суртиб, юрагидаги кўрқув, дард ҳамда изтиробларини ана шу содиқ ва тилсиз ҳомийсига айтади – ер уни қучоғига олади, кейин ўн дақиқага яна бағридан бўшатади, аскар ўн дақиқа чопиб отиши, ўн дақиқа яшаб қолиши учун бўшатади, сўнг тагин кўксидан жой беради, баъзан мангуга жой беради. О, ер, замин, тупроқ!»

Ҳали келажакка мақсад қўйишга улгурмаган, орзу ҳам қилишни билмаган дахшат ичида жисми омон, аммо ўзи ўн саккизидаёқ ўлиб бўлган «йўқотилган авлод»га бағишланган асар сизнинг қалбингиз ва китоб жавонингиздан жой олишига ишонаман.

«У ҳақ. Бизнинг ёшлигимиз туғалган. Бизга энди ҳаётнинг кераги йўқ. Биз қочоқлармиз. Биз ёшлигимиздан, ўз ҳаётимиздан қочамиз. Ўн саккиз ёшда эдик, биз эндигина шу оламни ва ҳаётни сева бошлагандик; аммо уларга қарата ўзимиз ўқ уздик. Портлаган биринчи снаряд парчаси юрагимизни тилка-пора қилиб ташлади. Биз онгли фаолиятдан, инсоний иштиёқлардан, тараққиётдан узилиб қолганмиз. Биз бу нарсаларга ишонмаймиз. Биз урушга ишонамиз».

Сизга энг ёмон нарса ҳақидаги энг яхши бу роман хусусида яна бир нима дейишдан ўзимни тийдим. Яхшиси, бу китобни топиб, ўқинг, ўзингиз хулоса чиқаринг, тинчликнинг қадрига етинг.

Муаттар МЕЛИЕВА,
ЎзМУ талабаси

АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ЎРНАК

БОБОМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН!

“ Хаётимизнинг тинч ва осуда осмон остида кечаётгани сабабчилари, юрт тинчлиги учун кўкси қалқон бўлган аждодларимизни хотирлаш, кексаларни эса тириклигида қадрлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади. Шундай инсонлар борки, улар ҳаётлигида қилган савоб ишлари, берган илми, ўргатган ибратли одоби билан авлодлар қалбида мангу яшайди. Чунки улар ўзидан фозил фарзандлар, комил шогирдлар билан бирга гўзал хотиралар қолдирган.

Шундай инсонлардан бири Қўчқор ота Рўзибоевдир. У ўзининг фидойилиги, ҳалол меҳнати билан эл-юрт олдида ном қозонган.

1938 йили 7 йиллик мактабни тугатиб, Хоразм ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқиган, кейин 1941 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Боғот туманидаги мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1942 йилнинг июнь ойида урушда қатнашиш учун кўплар қатори фронтга отланди.

5-зарбдор армиянинг 7-артиллерия дивизияси, 103-миномёт полки, 4-батарея 4-взводида наводчик бўлиб хизмат қилди. Ўз полки билан биргаликда Сталин-

град, Ростов, Ворошиловград, Донецк, Харьков шаҳарларини фашист босқинчиларидан озод қилишда қатнашди. Қанчадан-қанча душманни ер тишлатишга ҳисса қўшди.

Дахшатли жанглардан бирини да ўнг оёғидан оғир яраланган Қўчқор ота Рўзибоев саккиз ой Аткарск шаҳридаги госпиталда даволанади. 1944 йилнинг 20 мартида ғаним ўқидан жароҳатлангани боис, бир оёғи чўлоқ ҳолда кишлоғига қайтариб юборилади. Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати учун I даражали «Улуғ Ватан уруши» ордени ва бир қанча жанговар медаллар билан тақдирланди.

Қўчқор ота Чамангул она билан биргаликда 10 нафар фарзандни комил инсон қилиб тарбиялади. Уларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, турли масъул лавозимларда хизмат қиляпти. Ҳозирги кунда неvara, эvara, чеваралари Ватан равнақи йўлида ўз хизматларини аямай келяпти. Мен ҳам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Қўчқор Рўзибоевнинг неvarаси эканимдан фахрланаман.

Қўчқор ота Рўзибоев уруш туфайли узилиб қолган педагогик меҳнат фаолиятини орадан йиллар ўтиб, яна давом эттирди. Шу туфайли қуролдошлари орасида жангчи-педагог сифатида танилди. Педагогик меҳнат фаолиятининг кўп йиллари Янгиариқ туманидаги 19-умумтаълим мактабида директорлик вазифасида ўтди. У умрининг 45 йилдан ортиқроқ даврини ёш авлодни илм зиёсидан баҳраманд қилишга бағишлади. Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Қўчқор ота Рўзибоев 1997 йил 8 август куни 75 ёшида вафот этди. Ҳозирга қадар бобомизнинг ёрқин хотирасига бағишлаб, у ишлаган мактабда турнирлар, турли спорт мусобақалари ўтказилади.



Қўчқор отанинг экиб кетган ниҳолларининг илдизи бақувват, улар ҳам азим дарахтларга айланиши, шубҳасиз. Мана шундай осуда, тинч-фаровон ҳаётда яшашимизга сабабчи бўлган инсонлар хотираси мангу яшайди!

Шаҳноза ХЎЖАЕВА,
Янгиариқ туманидаги
19-умумтаълим мактабининг
бошланғич синф ўқитувчиси

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

“ Инсон яшар экан, доимо ўз оиласи, яқинлари тинч-осойишта, бахтли ҳаёт кечиршини истайди. Шундай экан, юрт тинчлиги, эл равнақи, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳар бир инсон зиммасидаги юксак масъулиятдир.

Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тотувликка интилиб келган. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният тараққиётининг барча босқичларида жамиятнинг асосий масалалари биринчи навбатда, тинчлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Шу боис юрт тинчлиги барқарор тараққиёт гаровидир. Инсоният учун муқаддас бу қадриятларга изчил ва қатъий ҳаракатлар орқали эришилади.

Ўзбек халқи тинчликни юксак неъмат сифатида қадрлайди ҳамда уни ўз орзу-умидлари, олий мақсадларини рўёбга чиқишининг кафолати деб билади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз доим фарзандларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади.

Мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилган. Бу борада қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда қабул қилинган ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси бугунги мураккаб глобаллашув даврида, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан ривожланиб бораётган

ТИНЧЛИК – УЛУҒ САОДАТ

бир пайтда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни ўртага қўйди. Бу вазифа асосан тўрт босқичда ва 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилмоқда.

Дастлабки босқич 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Атрофимиздаги олам, Ватан ҳақидаги дастлабки тасаввур пайдо бўладиган ушбу босқичда оила ва мактабгача таълим муассасаларида турли шеър, куй-қўшиқ, эртақлар ўргатиш орқали юртга муҳаббат туйғуси, тушунчаси шакллантирилади. Шунингдек, миллий руҳдаги анимацион мультфильмлар намойиш этиш, расмлар чиздириш орқали дунёни англаш, давлат рамзлари билан танишиш асносида она юртга, киндик қони тўкилган тупроққа нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисси юксалтирилади.

7 – 16 ёшдаги болалар қамраб олган иккинчи босқичда ўқувчиларнинг Ватанга муҳаббат ва садоқатини мустаҳкамлаш, уларни жисмонан соғлом этиб тарбиялаб, ҳарбий хизматга тайёрлаш, она юрт олдидаги фарзандлик бурчи унинг учун юксак масъулият эканини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ҳарбий хизматни адо этишга

иштиёқини ошириш, Қуролли Кучларимиз қудрати ҳақидаги фикрларини янада кенгайтириш белгиланган. Шу билан бирга ёшларни тафаккури кенг, иродаси кучли, жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикр юртадиган баркамол этиб вояга етказиш каби ишларни қамраб олади.

Учинчи босқичда 16–18 ёшли ўсмирларни Ватан ҳимояси учун муносиб хизмат қилишга руҳан ва жисмонан тайёрлашга йўналтирилади. Охирги босқич эса 18–30 ёшли фарзандларни жисмоний ва маънавий қобилияти, интеллектуал салоҳияти ва етакчилик кўникмалари, умумий ва профессионал малакасини ошириш, уларни ўз устида мунтазам ишлаш, соғлом ҳаёт кечирishга ундашни назарда тутди.

Мазкур концепция ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг самардорлигини оширишга хизмат қилиб, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради. Ватанни севиш ва уни кўз қорачиғидек асрашга қаратилган билим ва кўникмаларини ошириш учун услубий асос бўла олади.

Мухриддин РЎЗИМАТОВ,
Бухоро давлат университети талабаси

НУҚТАИ НАЗАР

Мафкуравий иммунитет ва уни шакллантириш омиллари

Мафкуравий бўшлиқни тўлдириш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш баркамол авлод тарбиясининг муҳим йўналишидир. Бугунги инсоният турли хил ғоялар ва сиёсий курашлар бутун жаҳон миқёсида авж олаётган, ғоявий қарама-қаршилиқлар кескинлашаётган бир шароитда яшамоқда.

Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки, муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, тўғрироғи, уларнинг қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда у ёки бу ғоя фақат муайян хабар ёки ахборот сифатида сақланиб қолади, холос. Бошқача айтганда, омборхонадаги кераксиз буюмлар каби онгимизнинг бир четидан жой эгаллаб ётавериши мумкин. Бир сўз билан айтганда, бундай ҳолатда ғоя шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди.

Ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда. Айнан шунинг учун ҳам Ер юзининг турли минтақалари халқларининг онги ва қалби турли ғояларни синаш майдонига, бошқача айтганда, мафкуравий полигонга айлантирилмоқда.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуроллари узлуксиз такомиллашиб

борганини кўрамиз. У найзалардан токи замонавий қуролларгача, замбараклардан то Ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ йўлни босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини йўқотиш шарт эмас. Зеро, онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда.

Мафкура полигонларида синовдан ўтаётган, моҳиятан ғайриинсоний бўлган ғояларга қарши тура олиш учун аҳолида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим. Иммунитет киши вужудининг турли инфекцион касалликларга берилмаслик хусусиятини ҳам ифодалайди. Инсоннинг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирларга акс жавоб сифатида орттирилган иммунитет тизими шаклланади. Аввало, инсоннинг кўплаб хусусиятлари туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Учунчидан, иммунитет тизими шакллангандагина мафкура-

равий дахлсизликни таъминлаш мумкин.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури, бу билимдир. Аммо билимлар кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси ва амалиёти тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар ва уни бошқаларга сингдиришга ҳаракат қиладилар. Шундай экан, бир томондан мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми ана шундай билимлар замирида шаклланадиган қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги замоннинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у чегара билмайдиган, ҳудудни писанд қилмайдиган хилма-хил муаммоларга сероб. Бирон давлат – у хоҳ катта, хоҳ кичик давлат бўладими, ичида вужудга келган муаммо тез суръатлар билан, нафақат ён-веридидаги қўшни давлатларга, балки

олисдаги мамлакатларга ҳам кириб бормоқда. Бир давлатнинг ташвиши бошқаларни ҳам ташвишга солмоқда. Муаммолар кўлами ёйилиб кетмоқда, бошқача айтганда, глобаллашмоқда.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари глобаллашув ҳам ўз ижобий ва салбий томонларига эга. Ижобий томони шунда кўринмоқдаки, давлатлар ва халқлар ўртасида интеграция ва ҳамкорлик алоқалари кучаймоқда, капитал, товарлар, ишчи кучи эркин ҳаракат қилиши учун катта қулайликлар яратиб берилмоқда, кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, илм-фан ютуқлари тезлик билан тарқалмоқда, қадриятлар умуминсоний негизда уйғунлашмоқда.

Глобаллашув мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланди. У ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Ана шундай вазиятда миллий ғоя ва мафкурага бўлган эҳтиёж янада ошади. Бундай шароитда ҳар бир одам мустақил фикри ва мустаҳкам дунёқарашига эга ҳамда иродали бўлиши зарур. Акс ҳолда, турли маънавий таҳдидларга қаршилик кўрсата олмайди, уларнинг таъсирини берилиб, тўғри йўлдан адашиб, берк кўчага кириб кетиши осон бўлиб қолади.

КБХХ, оддий аскар Фаррух АББАСОВ, Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари кўмондонлиги

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Қуролли Кучлар академиясида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кўни доирасида «Ҳарбий хизмат тушунчаси, оила бюджети ва уни тўғри сарфлаш» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда Республика Ҳарбий прокуратураси, Тошкент ҳарбий прокуратураси ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси масъул ходимлари иштирок этди. Тадбир иштирокчилари ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада ошириш ҳамда жиноят қонунчилигига киритилган ўзгаришлар билан таништирилди.

ИНТИЗОМ, МАСЪУЛИЯТ ВА ОГОҲЛИК

Мутахассислар томонидан йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш чоралари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Серкатнов транспорт йўлларидаги видеоканаларга ёзиб олинган, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини ҳайдовчи ва йўловчилар томонидан бузиш ҳолатлари акс эттирилган лавҳалар йиғилганларни янада огоҳликка ундади.

Республика Ҳарбий прокуратураси ходимлари томонидан намоиш этилган видеороликда ҳарбий хизмат лавозими ва масъулиятини суиистеъмол қилиш аянчли оқибатларга олиб келиши ҳаётини мисоллар орқали ифодаланди. Ҳарбий хизматчининг оила фаровонлигини таъминлаши унинг иродаси, ҳалол меҳнати ва бошқарувига боғлиқ экани таъкидланди.



Муаллиф суратга олган

Тадбир сўнгидан мутахассислар ҳарбий хизматчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Д. РЎЗИҚУЛОВ

ИННОВАЦИЯ

Томчидек дур минглаб харсангтошлардан қимматроқ бўлганидек, ўзбек ҳунармандларининг қалб қўридан яралган атлас ва адраслар ҳам кўплаб қимматбаҳо матолардан қадрлироқдир. Бугунги кунда ўзбек миллий матолари халқаро ҳамжамият ва жаҳон мода ўйларида катта қизиқиш уйғотмоқда, шунингдек, сифат индекси бўйича инсон саломатлигига фойдали деб эътироф этилмоқда.

Замон технологиялари ривожланиб борар экан, матоларнинг ҳам турлари кўпаймоқда. Масалан, сиз сутдан тайёрланган мато ва толалар ҳақида эшитганмисиз? Бундай инновацион лойиҳа муаллифи 25 ёшли тенгдошимиз Ислонбек Усмоновдир.

Ислонбек билан бир неча йил олдин ҳарбий хизматни ўтаётган вақтида танишгандим. Ушанда у олдига қўйган мақсадлари, хусусан, эко бизнесда ўзини синаб кўрмоқчилигини айтганди. Қизиқишлари ўлароқ йиллар давомида тинимсиз изланди, янги билимларни эгаллади, тажрибалар ўтказди ва ниҳоят ўзи истаган натижага эришди.

– Болалигимдан тадбиркор бўлман, дердим, аммо ишни нимадан бошлашни билмасдим. Мақсадим пул топиб, бой бўлиш эмас, балки ҳеч кимда йўқ маҳсулотлар яратиш, инновацион ишланмаларда ўзимни синаб кўриш бўлган. Бир куни эко бизнес ҳақида ўқиб қолдим. Эко бизнес бу – иқтисодий жиҳатдан фаровонлик ва даромадларни ошириш, жамиятга фойда келтириш, экологик нуқтаи назардан инсоннинг табиат билан уйғунликда яшашини таъминлашга йўналтирилган фаолият тури.

Аслида, сутдан тола олиш биринчи бор Италияда XX асрда кашф қилинган. Аммо у давр-

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ МАМЛАКАТИМИЗ ЭКО ИМИЖИНИ ОШИРАДИ

да технологиялар талабга жавоб бермаган ва тадқиқотчиларнинг уринишлари бекор кетган. Мен ўша маълумотларни ўқидим ва шундай хулосага келдим: бугун техника асрида яшаймиз, демак, технология ва ишлаб чиқариш масаласида қийинчилик бўлмайди. Шундай қилиб илмий изланишга киришдим. Икки йиллик меҳнатларим бекор кетмади. Бугунги кунда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан инновацион илмий ишмига муаллифлик ҳуқуқини олдим, – дейди Ислонбек Усмонов.

– Демак, тез орада сут маҳсулотидан кийимлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилар экан-да?

– Албатта, биз буни уйдалаймиз, деб ишонч билан айта олам. Фақатгина юртимиз бўйлаб татбиқ этиш қолди, холос. Айни вақтда сутдан тайёрланган кийимларнинг илк нусхасини ишлаб чиқармоқчимиз. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, халқимиз сутни нондек азиз кўради. Шунинг учун ҳам кийимлар фақатгина устки бошда бўлади.

– Бу соҳа бўйича кимлардан маслаҳат оласиз, ҳамкорингиз ким?

– Табиий толалар институти дунёда 5 та. Марказий Осиёда эса битта ва у Ўзбекистонда жойлашган. Марғилон табиий толалар тадқиқот институти раҳбари билан маслаҳатлашаман. У инсон ўз касбининг устаси, 50 дан ортиқ давлатларда илмий конференцияларда қатнашган. Лойиҳамни қўллаб-қувватлаб, амалга оширишимда ўз маслаҳатларини бермоқда.

– Сут маҳсулотидан тола олиш қандай амалга ошади?

– Сутнинг таркибида оқсил кўплигини биламиз. Оқсил толаларини ҳосил қилиш учун 10 - 30 фоизли оқсил эритмаси тайёрланади ва ундан тола ҳосил қилиш таркибида сирка кислота, сульфат ва натрий сульфат ёки

сульфат аммоний эритмаларини чўктириш ваннаси сифатида фойдаланилади. Ҳосил бўлган тола пишқилигини, сув ва иссиқ таъсирга чидамлилигини ошириш учун таркибига ошловчи моддалар қўшилади. Ошловчи натижасида оқсил молекулалари орасида кимёвий боғлар ҳосил бўлади. Ошловчи моддалар сифатида альдегидлар, кўп валентли металлларнинг тузлари ишлатилади. Оқсил тола юксак даражадаги эластиклиги, иссиқни кам ўтказиши ва бир қанча хусусиятлари билан табиий ипақдан қолишмайди.

Сут маҳсулотидан тайёрланган кийимлар инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдалидир. Айниқса, у йиллар давомида суяк хасталиклари ва аллергия билан курашаётган кишилар учун айни муддао.

Ислонбекнинг олдига қўйган мақсадлари катта. Эгаллаган билимларини амалиётда қўллаб, юксак натижаларни қўлга киритмоқчи. У яратган кийимлар мамлакат эко имижига ҳам ижобий таъсир кўрсатишига, эко бизнесда катта ютуқларга эришишига ишонамиз.



ИЛМ-ФАН

КАПИТАН, ТАДҚИҚОТЧИ, УСТОЗ

Жамият қурилиши, тузилиши ва бошқаруви муаммоси Ўрта Осиё мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий қарашларида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Гарчанд Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги давлатчиликка оид қарашлари кўпроқ диний руҳ билан уйғунлашган бўлса-да, мутафаккир баён қилган давлатчилик қадимги анъанага мувофиқ дунёвий характерда намоён бўлади. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Кайковуснинг «Қобуснома», Зоҳирий Самарқандийнинг «Синдбоднома» асарларида бу яққол аксини топган.

Болалигимдан давлат ва жамият қурилишига оид китоблар, илмий тадқиқотларни севиб ўқиганим учунми, Мудофаа вазирлиги махсус авария-тиклаш бошқармасининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими катта офицери капитан Абдуқодир Отабоевнинг илмий изланишлари, бу соҳадаги янги қарашлари эътиборимни тортди. Қаҳрамонимиз илм олиш машаққати «игна билан қудуқ қазиш»дек оғир ва масъулиятли йўл эканлигини теран англаган.

Абдуқодир Отабоев 1986 йил Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультетининг сиёсатшунослик йўналиши

бўйича бакалавр, сўнг магистратура босқичини тамомлаган. «Ўзбекистонда жамият қурилишининг институционаллашуви» мавзусида сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олган.

– Ёшлигимдан Амир Темур ва Темурийлар сулоласининг давлат бошқарувида ихлосим баланд бўлган. У ўз замонининг энг қудратли ҳукмдори бўлиши билан бирга, унинг ҳарбий салоҳияти, ҳарбий назария ва амалий тактика стратегияси, армия таркибининг тузилиши ўша даврнинг энг нодир мўъжизаси эди. Бугун жаҳон ҳамжамияти «Темур тузуклари»ни чуқур ўрганмоқда. Чунки буюқ давлат арбоби Амир Темур ўзининг

ақл-заковати, ноёб етакчилик қобилияти, ҳарбий маҳорати билан жаҳон тарихида муносиб ўрин тутди. Устоз сифатида шогирдларимга «Темур тузуклари»ни ўқиш, тушуниш ва таҳлил қилишни доим маслаҳат берман. Чунки асар ёшларда ватанпарварлик туйғусини ошириш билан бирга, инсонга ёшлигиданоқ сиёсий билимларга эга бўлишига кўмаклашади.

Докторлик ишимда, айнан жамият қурилиши ва бошқаруви тўғрисидаги янги тенденцияларни таклиф сифатида киритдим. Кўп йиллик изланишларим бесамар кетмади. Ҳайъат аъзолари томонидан диссертация ишим юқори баҳоланди ва ўқув қўлланма сифатида чоп этилишига тавсия берилди. Бу мустақил тадқиқотчи сифатида ярим ғалабага эришиш демакдир.

Абдуқодир Отабоев устоз ва ўқитувчиларини фахр билан эслайди.

– Мактаб, ўқувчилик даврини эсласам, бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Адашмасам, 3-синфда ўқирдим. Мактаб зинасидан йиқилиб, оёғим жароҳатланганида биринчи ўқитувчим – Лола опа менга

қўшилиб юм-юм йиғлагани ёдимда. Шогирдларим ютуқларидан бир олам қувончга тўламан. Негаки, ўзим эришган муваффақиятдан кўра, уларнинг ғалабаси мени кўпроқ илҳомлантиради.

Бугун Навоий вилоятининг Хатирчи туманида Абдуқодирга ҳавас қилиб, ҳарбий бўламан деган йигитлар кўп. Чунки яхши инсоннинг эзгу амали кўпларга ибрат.

– Йигитларнинг ҳарбий хизматга тобора меҳри ортиши, Ватан ҳимоячиси бўлиш истагининг пайдо бўлишида озгина бўлса-да ҳиссам борлигидан хурсандман. Истиқлол ҳар бир йигитга ўз Ватанида, ўзининг миллий армиясида хизмат қилиш имконини берди. Бугун қайси ота-она билан сўзлашманг, фарзандининг армияга боришини истайди. Чунки улар Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган аскарнинг қандай шароитда яшайётгани, жисмоний, ақлий ва интеллектуал салоҳияти ошаётгани, уларга берилаётган имтиёз ва имкониятлардан яхши хабардор, – дейди капитан Абдуқодир Отабоев.

«ЙИГИТЛАР, ХЎ, ЙИГИТЛАР...»

Биз ўтирган машина Тошкентдан чиқиб жўнади. Олд ўриндикда – ҳайдовчининг ёнида кетаётган ёши элликларга борган йўлдошимиз йўл ҳаққига дуо қилгач, худди бизни излаб юргандай, гап бошлади. У қуйидаги мавзуда гапирармиди-йўқми, ёнимда, орқа эшик тарафда кетаётган йигитнинг телефондаги мана бу гаплари ҳамроҳ акамизнинг гап халтасини очиб юборди. Йигит телефонда кимгадир, чамамда, унаштирилган қизига шундай дерди:

– ...Менга яшил ранглиси ёқади. Тоза «турецкий» бўлсин-да. Тагин, «туфта» нарса кўтариб юрма. Размеримни биларсан. Ҳа, шимга ремень ҳам эсдан чиқмасин...

Тешик қулоқ эшитади. Йигит киши кимга шундай дейиши мумкин? Уйланган эркак бундай таннозлик қилмаса керак. Ҳар ҳолда, у гаплашиб бўлгач, негадир кўнглим ғашланди ва ўсмоқчилаб савол ташладим:

– Келинми, дейман-а?

– Ҳа, бўлғуси келинингиз... – деди йигит бепарвогина. Худди ҳамма ундан қарздордай. Сўнг марсиниб қўшиб қўйди: – Тўққиз товоққа сарпо оляпти бозорда.

– Тошкентдами?

– Йўқ, ўзимизда. Шўрчида...

Шўрчида, Шўрчининг бозорида. Сурхоннинг ёздан қолишмайдиган кузги иссиғида, тирбанд одамлар оралаб онасимни, янгасини билан бозорда терлабгина юрган мунис бир қизнинг ёшигина қиёфаси кўз олдимда бир кўришиб кетгандай бўлди. Бошим қизиди. 100 тезликда кетаётган «Кобальт»нинг эшигини шахт очиб, қуёв бўлмишни ирғитворгим келди. Унинг гап-авзойидан жиним кўзиди. Ўзи боядан бери гупиллаб турган атирининг ҳидидан лоҳас бўлиб келаётгандим. Аммо ундай қилолмайман – ирғитиб юборолмайман. Жим ҳам кетолмайман. Ё, тавба! Бундай палакмурдалар Сурхондарёнинг қайси гўрида катта бўляпти экан. Аммо олд ўриндикдаги ака фикримни уққандай, орқага – биз томонга ярим ўгирилиб, гапга тушиб қолди-ку:

– Э биродарлар, Худо бизни ўғилдан қисди – тақдир бешта мунчоқдай қиз билан сийлади. Минг-минг шукрлар бўлсин! Кимлардир тирноққа зор бўлган дунёда уйимиз ҳам, кўнглимиз ҳам бутун, бири биридан сулув қизларимиз бор. Қўз бола дегани шўх экиндай гап. Онаси тандирга нон ёпаётганда бир қарич жинқарча бўлса, нон тандирдан узилаётганда бўйи етиб қолади. Одам ўзи сезмай қоларкан. Айниқса, бизнинг уйдагидек кўпчил бўлса... Худога шукрки, барча заифаларим онасига ўхшаб меҳнат-кашгина. Ўзим мактабда муаллимман. Омон-омон замонларда ўқиб олганмиз. Мактабга бориб-келиб, шу палапонларни ўстиряпмиз. Аёлимиз уйда. Қизларим ҳам даладаги ишлардан бўйин товламайди. Пиёз, картошка йиғим-терими борми, ўтоқ қилишми, ҳаммасини қилиб кетаверади. Ўзларининг менга оғири тушишини истатамайди. Элда «Бир қизни боқишдан кўра, бир сурув қўйни боқиш осон», деган гап юради. Аммо қизларим эсли, ҳаёли бўлиб ўсди. Худо юзимизни ерга қаратмасин!..

Аммо ҳозир бошқа гапни айтмоқчиман. Бу йил учинчи қизимни унаштириб қўйдик. Насиб этса, карантин сал юмшаса – тўй. 30 кишилик дейилса, 30 кишилик, каттароқ бўлса, каттароқ... ишқилиб ўзи билан ўзи бўлса, бас-да...

Бирок мени бир ўзбек, бир эркак сифатида бошқа нарса ўйлантириб қолди. Гап шундаки, икки ҳафта аввал қуда тарафдан қизимизга тўй келди: келишилганидек б та қўй, той пахта, гилам-пилама, отнинг белидай бўҳча, ўн яшик қанд-қурс... ва ҳоказо... хуллас, икки мошин нарса. Тагин, сут пули, қалин пули... Бу удум аввалдан бор. Қудалар келиб кетишди, кўни-қўшни, хешу таборни ҳам чорладик. Имкон қадар ҳаммани кузатдик.

Меҳмонлар кетгач, аёлим астагина ёнимга келди. Бир ерга, бир менга қараб, айбдорона гап бошлади. Биламан, у мендан бир нима ундирмоқчи бўлса, шундай ерга сингалаб, сипойи бўлиб қолади.

– Мана, қудаларни ҳам кузатдик, отаси... яхши бўлди...

– Айтавер, кампир, – дедим, – нима демоқчисан? Бирор қудағайнинг сарпоси кам бўлдимми?

– Йўғ-е, ҳаммаси тус-тугал, ками қолмади. Энди келгуси ҳафта тўққиз товоқ юборишимиз керак, қуёвниқига... шунга...

– Тўққиз товоқ қуёв келинни опкеттали келганда олдига ёзилган дастурхонга қўйилмайдими? – дедим энсам қотиб.

– Йўқ, ҳозир қуёвнинг уйига тўққиз товоқ юборилади. Тўққиз хил таомдан ташқари қуёвга бир яхши совға ҳам берилади.

– А?

– Ҳа, шундай. Қуёвга яхши костюм-шимми, холодильникми, ишқилиб зўр совға бериш керак.

– Уч оёқли велосипед берса бўлмайдими? – деб юбордим ғижиниб.

– Қизикмисиз? Одамнинг устидан кулманг...

Беихтиёр совуққина тер келди пешонамга. Хотинининг гапларини ҳам қилолмай хайрон эдим. Қанақасига? Қуёв дегани олиб келмайдими совғани? Илгари қиз тарафга юбориларди, энди тескарисими? Тавба!

– Тавба, – дедим овоз чиқариб, – бу қуёвларга нима бўляпти ўзи?

– Энди нима дейсиз, отаси, замон талаби шундай бўляпти. Ана Тошкентларда қуёвга уй, машина олиб

бераётган эмиш. Қуёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган, – хотиним мени «эритиш» учун жағ қайрашга тушди. – Ҳали қуёв келганда «қуёв ўтирмади» ҳам бор. Отаси, маҳкам бўлаверинг. Ундаям бир «терлайсиз»...

Мен аччиғим чикса-да, индамай ундан нари кетдим.

Кетиб қайга ҳам борардим – томорқани бир айланиб келдим. Анча ҳовурирдан тушдим. «Начора, эл қилаётган бўлса,

бўлмай ҳаётини бошлаяпти.

Шундай бўлгач, хў, йигитлар, ўзларингизга қарангизлар! Бўлмаса, ҳамма нарсани аёлнинг ҳисобидан келтириб, эртага уйда «бола боғча» бўлиб, бурчаккинда елка қисиб ўтириб қоласизлар. Йигит бўлсангиз, аёл кишининг қўлига қараманг, аёл киши билан баҳслашманг, аёлга кек сақлаб юрманг. Аёлни... яхши кўринг, ардоқланг. Жуда бўлмаса, сеники маъқул, деб йўлингизга кетаверинг...

Бу аломат гурунгни бериб кетаётган ҳамроҳимиз Эркабой акадан кўз узманган ҳолда, ёнимда жим бораётган йигит ҳақида ўйлардим. Унга бурилиб қаролмасдим. Негадир ўнғайсизланардим. Шунинг учун мавзунни бироз юмшатмоқчи бўлдим:

– Энди, домла, – дедим салмоқлаб, – бу гапларни, ўзбекнинг тўйини, урф-одат деб ўйлаб топаётган нарсаларини бундан 100 йил аввал Авлоний бобо ҳам, Бехбудий, Қодирий ҳазратлари ҳам айтган, танқид қилган. 100 йилдан бери бизнинг ўзбекни тўй масаласида тартибга олиб бўлмаяпти. Ҳатто ҳукумат тўй-ҳашамни ихчамлаштиришлар, деб қарорлар қабул қилди. Лекин бизга таъсир қилмаяпти...

– Ҳа, мен тушунаман, оғажон. – Эркабой ака гапни илбиб кетди. – Тўй – яхшилик. Тўй – хайрли иш, эҳсон, савоб. Биз бағрикенг, борини меҳмонга тутадиган халқимиз. Лекин мен орият масаласини айтаяпман. Қолаверса, халқнинг ичиди қўли калтароқ, камбағалроқ рўзгорлар ҳам бор. Шундай одамларнинг ҳам бизниқига ўхшаган хотини бор. Элдан кам бўлмасин, деб бечора эрни тентак қилади, бу аёллар...

Эркабой муаллим бирпас жим қолди. Сўнг мутлақо бошқа оҳангда сўзлай бошлади.

– Ҳа, нима ҳам дердик. Ўзи ўйлаб кўрсам, ҳар бир халқнинг ўз йўли бор экан: ўрс курғур ичиб завқ қиларкан, ҳинд қўшиқ айтиб, ўйнаб, ўзбек дегани тўй қилиб маза қилар экан. Дунёда ўзбекдай борини элга сочганидан қувонадиган бошқа халқ бўлмаса керак. Ўзбекни майиб қиладиган, камбағал қиладиган нарсанинг бири ҳам шу – тўй.

Ҳа, энди, муаллим халқи кўп гапирди. Сизларнинг ҳам бошларингизни оғритиб юбордим. Қани, шопиржон, музикадан қўйинг...

Ҳайдовчимиз радионинг мурватини бураган эди, ярмига келиб қолган қўшиқ янграб кетди:

...Шинанай, ёрим, шина-шинанай...

Зимдан ёнимга – олифта йигитга қардим. Ўзини билса, унга муаллим яхшигина дарс бериб қўйган эди. «Қалай бўлди? Таъзирингни едингми?» деган мазмунда унга томон бурилиб боқсам, нетонки, йигитимиз ухлаб қолибди. Ё ўзини ухлаганга солдимикан, билмадим...

...Шинанай, ёрим, шина-шинанай...



ТАЪЛИМДА ТАРБИЯ

«Менинг отам ҳам, онам ҳам – Ватан! Мен Ўзбекистон фарзандиман. Уни жудаям яхши кўраман. Чунки у мени ҳеч қачон ташлаб қўймайди». Ота-онасидан эрта ажраган Асадбекнинг «Менинг оилам» деб номланган иншосини ўқиб, кўзимга ёш келди. Чунки у аввал бошқа фикрда эди.

2 сентябрь. Ҳар йили бу кунни ўқувчилар билан бирга ўқитувчилар ҳам ўзгача ҳаяжон билан қарши олади. Айниқса, биринчи синфга эндигина қадам қўйган ўғил-қизларни қабул қилиб, яйраб кетасан, киши. Ҳар бир бола ўзгача дунё. Кулганида, кўринмаслиги учун яширишга уринган тушиб қолган тишлари ҳам ўзларига ярашган. Ҳаммалари бениҳоя хурсанд, лекин улар орасида бир бола хомуш турарди. У ҳеч нарсага эътибор бермас, ҳатто кулмас, нимадандир аламзада эди. Синфга киргач, энг олдин у билан яқиндан танишиш учун суҳбатлашдим:

– Исминг Асадбек-а?

– Ҳа.

– Нега хафасан? Ахир бугун байрам-ку!

– Ҳамма мени ёмон кўради. Дадам билан аям ҳам ташлаб кетган. Ҳамма синфдошларимни ота-оналари олиб келибди. Мени эса... – деди-ю, ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди.

Билишимча, бир ой олдин ота-онасининг вафоти болажонга қаттиқ руҳий зарба бўлган. У ҳаммани ёмон кўряпти. Агар безътибор қолдирилса, оқибати ёмон бўлиши мумкин. У билан алоҳида шуғулланиб, дўстларига, вафот этган ота-онасига, Ватанига меҳр уйғотишда туртки бўлишим кераклигини англадим. Уни яхши кўришимизни тушуниши керак!

Бирпасдан сўнг болажонларга Президент совғасини топшириш, уларни табриклаш учун синфга бир гуруҳ таълим ва жамоатчилик фаоллари кириб келди. Асадбекка навбат етганда, мактаб директори Мўътабар Жўраеванинг шахсан ўзлари совғани топшириб, бошидан силаб қўйди (*аввалроқ айнан шу болани уларга айтгандим*). Улар бу совғалар Юртбошимизнинг болаларга эътибори рамзи эканлиги, бунга жавобан улар ҳам яхши ўқиб, Ватанга хизмат қиладиган инсонлар



бўлиши кераклигини уқтиришди.

Биринчи машғулотишимиз – «Мустақиллик дарси». Мавзу бўйича олдиндан тайёрланган видеороликда Ватанимиз ўтмиши, бугунги акс этган. Ўқувчиларнинг боғчада ёд олган Ватан ҳақидаги шеърларини тинглагач, уларга савол билан юзландим:

– Инсон неча йил яшаши мумкин?

– 60 йил.

– 70 йил.

– 30 йил (*бу Асадбекнинг жавоби эди*).

– Тўғри, инсон ўртача 70–80 йил умр кўриши мумкин. Агар у буюк ишлар қилиб, ўзидан яши ном қолдирган бўлса, Ватани озодлиги, равнақи учун ҳисса қўшган бўлса, минг йиллаб яшайди. Қандай қилиб, дейсизми? Улар бизнинг қалбимизда, авлодлар хотирасида, хаёли, ҳаётида яшайди. Уларни доим ёдга оламиз, туғилган кунларини нишонлаймиз.

Ватанга хизмат қилиш, уни севиш учун шоҳ, шоир ёки ҳарбий кўмондон бўлиш шартми? Мана бу ким? Телевизорда Широқ ҳақидаги видеотасвирни кўйиб бердим.

Широқ – оддий чўпон, лекин у буюк қалб эгаси, Ватанини чин дилдан севган инсон.

Орадан бирмунча вақт ўтгач,

АСАДБЕК ФИКРИНИ ЎЗГАРТИРДИ

бир-бирига таассуротини айтаётган болаларимнинг суҳбати эътиборимни тортди:

– Сирдарё қандай бахтли экан-а!

– Нега?

– Чунки унинг расми гербимизга муҳрланган-да!

Йўлда болалар кўрганлари асосида иншо ёзишни таклиф қилишди. Мавзу танлашни ҳам ўзларига қўйдим: бири «Табиат қўйнида» деса, иккинчиси «Ватаним» деб номлайлик, деди. Яна бошқаси тинчлик рамзи ҳисобланган лайлақлар ҳақида ёзиш таклифини ўртага ташлади. Хуллас, саёҳатдан олинган таассурот асосида ҳамма ўзи истаган мавзуда иншо ёзишига келишди.

Эртаси куни иншоларни текширдим. Унда Зарина лайлақлар ҳақида, Аҳаджон «Дехқонлар меҳнати», Ҳабиба, Омадбек, Шоҳжаҳон эса «Ватаним» мавзусида иншо қоралабди. Камгап Дилнура эса кўрганларини чизган расмида акс эттирибди. Улар орасида бир иншо мени ҳайратга солди. Асадбекнинг «Менинг оилам» мавзусидаги битиклари шундай бошланган эди:

«Менинг отам ҳам, онам ҳам – Ватан! Мен Ўзбекистон фарзандиман! Уни жудаям яхши кўраман! Чунки у мени ҳеч қачон ташлаб қўймайди. Ҳамма энг аввал ўз оиласини яхши кўрганидек, мен ҳам Ватанимни севаман!»

Иншода яна у донгдор спортчи бўлмоқчилиги, Ватани байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни баралла янграмоқчилигини қайд этган. Уни ўқиб, болажоним хулқи, фикри яхши томонга ўзгаргани, олдига аниқ мақсад қўйгани, энг муҳими, қалбида атрофдагиларга, Ватанига чексиз муҳаббати борлигини ҳис этдим.

Ширмоной ШОДИЕВА,
Поп туманидаги

25-умумтаълим мактабининг
бошланғич синф ўқитувчиси

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

«ИФТИХОРИМ, ҒУРУРИМ, ОНА ТИЛИМ!»

Республикамизнинг барча ҳудудларида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 31 йиллиги муносабати билан қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 223-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан Қуролли Кучлар академияси ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ҳамкорлигида «Қадринг баланд бўлсин, она тилим!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Миллий

тикланиш демократик партияси Мирзо Улуғбек тумани кенгаши раисининг ўринбосари Ботиржон Содиқов, Қуролли Кучлар академияси тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими офицери майор Холмуҳаммад Жўрабоев, Шайх Зиёвуддин масжиди имоми Исомиддин Муҳиддинов, Тошкент шаҳар Наркология диспансери

ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Лилия Музаффарова, юридик фанлар доктори, профессор Феруза Муҳитдинова, Мирзо Улуғбек тумани фахрийлар кенгаши аъзоси захирадаги подполковник Бахтиёр Дадабоев, Тошкент педиатрия институти Неврология кафедраси муdiri, профессор Ёқутхон Мажидова иштирок этди.

Тадбир давомида маърузачилар томонидан ўзбек тилининг шаклланиш тарихи, бугунги кундаги ҳолати ва тилимизни ривожлантириш ҳамда ўзлимизни

англашимизда ҳар бир фуқаро, шу жумладан ёшларнинг ўрни бекиёс эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Яқунда Миллий тикланиш демократик партияси томонидан тадбир иштирокчиларига, мактабнинг фаол ўқувчи ва ўқитувчиларига совғалар ҳамда мактаб кутубхона фондига бадиий адабиётлар топширилди.

Подполковник
Сардорбек АБДУСАМАТОВ,
Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси
катта офицери

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

«ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ!»

Қуролли Кучлар академиясида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган сана муносабати билан «Қадринг баланд бўлсин, она тилим!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Давра суҳбати шаклида ташкиллаштирилган тадбирда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент Раҳимбой Жуманиёзов ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари иштирок этди.



Ўзбек тили ҳақида сўз кетганда буюк сўз санъаткори, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий номи ўзгача ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида бевосита алломанинг илмий, амалий хизматлари, адабий ижоди муҳим ўрин тутди. Яъни таниқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор айтганидек, «Ўзбек тилида яхши фикр ва туйғуларни ифода қилиб бўлмайди, деган назарияни Навоий бундан беш юз йил бурун тор-мор қилган». Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий ўз асарлари орқали ўзбек тилининг нақадар бой тил, имконияти кенг, жозибатор эканлигини исботлаб буюк жасорат кўрсатди. Тадбирда сўз олган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси Қодиржон

Муйдинов ҳам тилимизнинг имкониятлари, жозибаси, қудрати ҳақида гапирар экан, бевосита ўзбек тилида бетакрор ижод қилиб, тил сеҳрини, гўзаллигини кўз-кўз қилган Алишер Навоий ижодига алоҳида тўхталди.

– Тилга эҳтиром – элга эҳтиром, дейишади. Шундай экан, тилимиз софлигини сақлаш, уни бошқа тил унсурларидан асраш ватанпарварликнинг бир кўринишидир. Зеро, тилининг ҳимояси миллатнинг, халқнинг, Ватанининг ҳимояси демак, – дейди Раҳимбой Жуманиёзов. – Она тилини билиш шу тилда сўзлаш билангина кифояланмайди. Балки нутқда имло қоидалари ва талаффуз меъёрларига тўла амал қилиш, сўз, ибора, атама, мақол, маталларни ҳам ишлата олиш ҳамда чиройли талаффуз билан характерланади. Шу орқали тилимиз имконияти ривожланади, такомил-

лашади. Унутмаслик керакки, тил ҳамма замонларда халқнинг тарихи, маданияти, турмуш-тарзи ва урф-одатларини акс эттирувчи кўзгу бўлиб келган. Айнан тил туфайли инсон бирор-бир миллатга мансублигидан фахрланиб яшайди. Шу сабабли ҳар бир халқ ўз тилини сақлаб қолишга интилиши лозим...

Давра суҳбати давомида мутахассислар шунингдек, сўз вазни, ўлчови, нотикнинг фазилатлари ҳақида ҳам қимматли фикрлар айтдилар. Сўзни санъат даражасига кўтарган шоирларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовнинг асарларидан намуналар келтирилди. Мавзуга оид ривоят ва сўз ўйинларидан фойдаланилдики, бу тадбирнинг янада қизиқарли бўлишини таъминлади.

Майор Гулнора
ҲОЖИМУРОВОВА

«АДИБЛАР ХИЁБОНИ»ДА

Абдулла Авлоний ижоди
эътироф этилди

Мудофаа вазирлиги тизимида «Қадринг биланд бўлсин, она тилим!» шиори остида бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. «Адиблар хиёбони»да Қуролли Кучлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда Абдулла Авлонийнинг ҳаёт йўли ва «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда шоир-ёзувчилар, ҳарбий хизматчилар ҳамда буюк мутафаккирнинг эвараси Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова иштирок этди.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Мансур Жумаев сўз олиб, Абдулла Авлоний қолдирган мерос, унинг бошқа жадидлардан фарқли равишда илгари сурган ғоялари ҳақида сўзлаб, ўз ижодидан шеърлар ўқиб берди.

– Бобом Абдулла Авлоний ўзбек тилида газета-журналлар ташкил қилган, халқнинг зиёли бўлиши учун мактаблар очган ижодкордир. Уч маротаба мактабини ёпишган, лекин бобом яна қайта очиб, қизларни ҳам ўқита бошлаган. Шунда унга яна мактаб ёки газета-журнал очса, вафот этганидан сўнг жаноза ўқилмаслиги ҳақида таҳдид қилишган. Аммо бобом ўз мақсадидан қайтмаган. Ўқувчиларга ўзи парта ясаб берган, ўқиш китоблар ёзган. Бобомнинг кундаликларидан фойдаланиб, унинг бой ижодий меросини халққа етказиш ниятидаман. Абдулла Авлоний ёзувчи бўлиш билан бир қаторда, ўқитувчи, юрист, ҳам театрда роль ўйнаган санъаткор бўлган. Бундай инсоннинг авлоди эканимдан фахрланаман, – дейди Гавҳар Зокирова.

Самимий ўтган учрашув давомида курсантлар Абдулла Авлоний ҳаёти борасида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Тадбир сўнггида фаол иштирок этганлар муносиб рағбатлантирилди.

Роҳила НЕЪМАТОВА



ДАВРА СУҲБАТИ

Оила – муқаддас
даргоҳ

Оила – муқаддас маскан.
Шундай экан, уни қанча
эъзозласак, қадрига етсак,
шунча қадр топиб бораверамиз.

Қуролли Кучлар давлат музейида «Оила – муқаддас маскан» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ташаббуси билан ташкил қилинган тадбирда Тошкент ҳарбий прокуратураси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Тошкент шаҳар бош имомининг ўринбосари Жасур Раупов оила борасида шариатимизда берилган кўрсатмалар, эр ва хотиннинг зиммасидаги масъулият, фарзанд тарбияси ҳақида сўзлади. Бу борада ҳадислардан мисоллар келтирди.

– Оила мавзусига бағишланган бугунги учрашувда аудитория ўзига керакли маслаҳатларни олди, десам, муболаға бўлмайди. Афсуски, ҳозирги даврда арзимас сабабларни баҳона қилиб, ажрашиб кетаётган оилалар учраб туради. Уларга мутахассислар маслаҳати, нуруний инсонлар кўмаги зарур, албатта. Ўйлайманки, бундай тадбирлар оилаларнинг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшади, – дейди Тошкент ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси адлия майори Гулчеҳра Турсунова.

Миробод тумани судининг судьяси Одилжон Илҳомжонов эса юртимиздаги оилаларга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида маъруза қилди.

– Бугунги глобаллашув даврида бундай учрашувларни кўпроқ ташкил этиш зарур. Сабаби маърифий суҳбатлар юртимиздаги оилаларнинг фаровон бўлишида катта ўрин тутди. Бунга учрашув давомида ҳам гувоҳ бўлдик, – дейди Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Дилбар Хусанова.

Тадбир давомида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар хизматчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шоҳсанам НИШОНОВА



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



3-ТУР

«ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ ЭНГ БУЮК ҚАДРИЯТИ»

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг 31 йиллиги ва «Ўзбек тили байрами куни» муносабати билан ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари ҳамда ижодкорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари ўртасида «Vatanparvar» Бирлашган таҳририяти «Тил – миллатнинг энг буюк қадрияти» деб номланган танлов эълон қилади.

Танлов учун эълон қилинган саволлар жавоблари 2020 йилнинг 3 октябридан 2020 йилнинг 17 октябригача «Vatanparvar» Бирлашган таҳририяти манзили – 100164, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй; электрон манзил: vatanparvar09@mail.ru га ёки **90-968-62-08** телеграм каналига йўлланади.

Мурожаат учун телефонлар:
71 260-36-50, 71 260-32-57.

Танловга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

муаллиф паспорти (*шахсини тасдиқловчи ҳужжат*) нусхаси;

муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари;

муаллифнинг хизмат (*иш*) жойи.

Тақдим этилган жавоблар «Vatanparvar» Бирлашган таҳририяти ижодий ходимларидан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ҳамда ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Ғолиблар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

Мукофотлар:

- 1-ўрин (1 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баробари, китоб ва диплом;
- 2-ўрин (2 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 (икки) баробари, китоб ва диплом;
- 3-ўрин (3 та) – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) баробари, китоб ва диплом.

Танлов натижалари «Vatanparvar» газетаси ва сайтида ҳамда tudofaa.uz сайтининг телеграм каналида эълон қилинади. Ғолиб ва совриндорларга мукофотлар 2020 йил 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни тантанали равишда топширилади.



Ўзбек тилининг фонетикаси ва грамматикаси

- 1 Ўзбек тили XX асрда неча марта алифбо ўзгартирган?
- 2 Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида неча унли товуш бор? Шеваларда-чи?
- 3 Байналмилал сўзлардаги «к» товушини «қ» товушига айлантириб талаффуз қилиш ўзбек тилининг қайси шевасида учрайди?
- 4 Тенг ҳуқуқли бўлмаган содда гаплардан иборат гап нима деб аталади?
- 5 «Қ» товушининг «к»га айланиши асосан қайси вилоятлар шеваларида учрайди?
- 6 Сингармонизм ҳодисаси ўзбек тилининг қайси шеваларида сақланган?
- 7 Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида «вов» ҳарфи неча унли товушни ифодалашини айтади? «Ёй»-чи?
- 8 Умумназарий савол. Синтактик бирликлар неча?
- 9 Ўзбек тилида отлар неча хил усулда ясалади?
- 10 Ўзбек тилида сўзлар морфологик таркибига кўра қандай турларга бўлинади? Гапда кириш сўз, гап бўлаги ёки бутун бир гап вазифасида қўлланадиган, фикрга аниқлик, гумон, мақсад, талаб, шарт, мавжудлик, тасдиқ, инкор, мавжуд эмаслик, маъқуллаш, таъкидлаш, яқунлаш, эслатиш, ачиниш каби маъноларни қўшадиган сўз туркуми қайси?
- 11 Ҳозирги ўзбек адабий тилида неча келишик кўрсаткичи бор?
- 12 Ўзбек тилида сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатини ифодаловчи қандай воситалар ишлатилади?
- 13 Мослашув, бошқарув, битишув. Бу усуллар сўзларнинг қандай йўл билан боғланишига хизмат қилади?
- 15 S – subject (эга), O – object (нутқ объекти, тўлдирувчи), V – verb (кесим) бўлса, ўзбек тилида гап қандай тартибга эга?

Саволларни тилшунос Элдор АСАНОВ тузди.

ИСЛОҲОТ

Янги кафедра фаолияти йўлга қўйилди

Юртимизда миллий армиямизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, замонавий ва профессионал армияни шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ, Қуролли Кучлар академияси негизида «Ички ишлар вазирлиги қўшинларини тайёрлаш» кафедраси ташкил этилди.

Кафедранинг ташкил этилишидан асосий мақсад, Ватанга содиқ, ҳарбий бўлинишни бошқариш, стратегик қарор қабул қилиш ва шахсий намуна кўрсатган тарзда ўз бўйсунувчиларини юклатилган жанговар-хизмат вазифаларнинг самарали бажарилишига сафарбар этиш қобилиятига, юксак маънавий-руҳий, ахлоқий фазилатлар, етакчилик ва ташкилотчилик сифатларига эга, бошқариш фаолиятига доир ҳамда ишониб топширилган жанговар техника ва қурол-аслаҳани тўғри қўллашга оид кўникмаларни пухта эгаллаган мутахассис-офицер кадрларни тайёрлашдан иборат.

Мудофаа вазирлиги ихтиёрига Қуролли Кучлар академиясининг «Ички ишлар вазирлиги қўшинларини тайёрлаш» кафедраси профессор-ўқитувчилари таркибидан илмий-педагогик фаолият олиб бориш ва кафедра фаолиятини шакллантириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмалари таркибидан ўз касбининг сир-асрорларини чуқур эгаллаган, юксак ҳаётий ва хизмат кўникмаларига эга бўлган, тажрибали офицерлар сафарбар этилган.

Кафедра «ИИВ қўшинлари тактик-қўмондонлиги» ва «Аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимларни ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича қўмондонлик-муҳандислиги» таянч олий ҳарбий таълими мутахассисликлари бўйича бакалаврият

таълим йўналиши бўйича офицер кадрларни тайёрлайди.

Бунда Қуролли Кучлар академияси кафедраларининг профессор-ўқитувчиларини илғор педагогик маҳорат ва тажрибаларига таяниб, мавжуд замонавий ахборот технологиялари ва ўқув-моддий негиздан, янги инновацион таълим услубидан кенг фойдаланган тарзда, ўқув-тарбиявий жараёнида ИИВ ҳарбий тузилмаларига мутахассис офицер кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган.

Малакали кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида кафедра ўқитувчилари битирувчининг олдида қўйилган квалификацион талабларни инобатга олган тарзда ўқув дастурларни ишлаб чиқишди.

Ўқув дастурлар қўшинлар жанговар-хизмат фаолиятини тўлиқ қамраб олган мавзуларни ўз ичига олган бўлиб, таълим жараёнининг 50 фоиздан зиёд мавзулари қўшинларни ҳарбий қисм ва қўриқланаётган объектларда курсантларнинг назарий билимларини амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган тарзда режалаштирилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ва амалга оширилаётган тадбирлар келажақда ИИВ ҳарбий тузилмаларига малакали ва ўз соҳасининг етук мутахассис кадрларини етиштириб чиқаришга замин бўлишига ишонамиз.

Подполковник Ориф ТУРАХЎЖАЕВ,
Қуролли Кучлар академияси кафедра ўқитувчиси



ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

1983 йил.

– Убайдулла қани? – кўчадан важоҳат билан кириб келган Иброҳим раис хотинидан кичик ўғлини сўради.

– Даладаги томорқага сув қўяман, деб чиқиб кетганди, – эрининг авзойини кўриб, ранги ўзгарди Хулкар опанинг.

– Бу боланг гап уқадими йўқми ўзи, томорқани суғориш унга қолибдими? – баттар тутоқди раис. – Ҳозир Садир муаллимни кўргандим, домланинг гапидан кайфиятим тушди. У «катта ўғилларингизни ўқитганман, ҳаммаси аълочи бўлган. Аммо кенжа ўғлингиз синфдаги давомати, ўзлаштириши энг паст ўқувчилардан. Унинг ўқишини назорат қилсангиз яхши бўларди», деб айтди. Қачонгача мен болангнинг орқасидан гап эштаман?!

– Ўзингизни босинг, дадаси, кўчадан ваҳима билан кириб келганингизга нима экан, дебман. Катта ўғилларимиз қишлоқнинг олди йигитлари бўлди, катта ўқишларда ўқияпти. Раҳматулла ўқишини битириб, яхши ишга кирди. Энди оилада ҳамма бола бирдек бўлмас экан-да.

– Бу билан нима демоқчисан, Убайдулла ўқимади, молбоқар бўлади, демоқчимисан?

– Танбеҳ эшитавериб зада бўлиб қолди, болам бечора. Мактабда яхши ўқимаса ҳам акаларининг қанотида бирор касбнинг қўлидан тутар.

– Ўқимаган бола ким бўларди, ким, ҳеч ким! Ўзи ҳамма гап сенда, болани эркалатиб, кўнглига қараб, издан чиқарган сенсан! Ҳатто эгнидаги кийимини эплаб киёлмайди. Аввало, шу боланинг ақлини паст қилиб туққансан.

– Ҳа, ҳамма айб менда, – кўзига ёш тўлди Хулкар опанинг. – Болаларингизнинг сизга ёқмаган қайси жиҳати бўлса, менга юклайсиз. Сизга ўғилларни туғиб берган ёмон хотинман, ёмонман... – Хулкар опа нималардир деб ўқиб йиғлаганча уй ичига йўналди.

Иброҳим раис хотинига эшитгиздириб ўзига ўзи гапиришга тушди: «Шу бола туғилибдики, мол билан овора. Молга ёпишаверганига туёқларга қарагани молбоқар қўйдим. Энди дарс қилмаслик учун томорқани баҳона қиляпти. Агар онаси борма, дарсингни қил, деса ўша бола айтганини қилади. Йўқ, она-бола менинг қонимни ичиши керак. Раис бўлиб, юрт бошида турмаганимда ҳам майли эди. Овора бўлиб кўз ёш тўкма. Убайдулланинг ҳар бир қадамига, ўқишига сен жавоб берасан. Агар яна бир марта...» Иброҳим раис жаврай-жаврай кўчада кутиб турган ҳайдовчиси томон шошилди.

– Нормат, мени ҳозир колхоз идорасига ташлаб, катта ўғлимга уй-жой учун олинган томорқага борасан, – машина ўриндиғига ўтирар-ўтирмас ҳайдовчига буюрди у. – Убайдулла ўша ерда бўлиши керак. Тезда уйга олиб бор. Унга қўлитувчилари берган барча дарсни тайёрлаб, тахт қилиб қўйишини менинг номимдан тайинла. Кечқурун уйга қачон борсам ҳам, ҳаммасини биттадан текшириб оламан. Тўшундингми?

– Ҳўп бўлади.

– Бу бола билан астойдил шуғулланмасам бўлмайди...

Камдан-кам ҳолларда ҳайдовчисига дилини ёрадиган раис колхоз идорасига етиб боргунга қадар дардини тўкиб кетди.

Иброҳим раис айтганини қилди. Убайдуллани кийинишдан тортиб, давоматю дарсларни ўзлаштиришига қадар қаттиқ назоратга олди. Бундан ташқари, аждодлари юртнинг обрўли инсонлари бўлгани, уларнинг қилган ишлари билан боғлиқ қизиқарли воқеалар, уларга муносиб авлод бўлиши ҳақидаги «лекция»сини ҳам қанда қилмади. Аммо йигитчага ота-боболари ҳақидаги маълумотлар таъсир қилмас, қаттиқ босим остидагина яхши ўқишга ҳаракат қиларди.

– Биламан, ўғлим, сен ҳайвонларни яхши кўрасан, – боласини турли йўллар билан ўқишга қизиқтириш учун ваъдалар беришга ўтди раис. – Агар акаларингга ўхшаб институтга кирсанг, сенга от олиб бераман.

– От, от олиб берасизми? – Убайдулланинг кўзлари ёниб кетди. – Дадажон, ростдан ҳам от олиб берасизми?

Қулоқларига ишонмаган йигитча отасидан қайта-қайта шу ваъдани эшитишни истарди.


– Отанг битта гапирди, ўғлим. Бироқ бунинг учун ўқишга киришинг шарт. Йўқса, отдан умид қилма.

Бўйнидан боғланган ит овга ярамас, деганларидек, билим олишга қизиқиши, лаёқати йўқ йигитча аста уҳ торди. Бир йил ўтиб, олийгоҳга ҳужжат топширди, лекин биринчи имтиҳондаёқ ортига қайтди. Иброҳим раиснинг фиғони фалакка чиқди.

– Субхон чўпоннинг ўғли Лочин ТошМИга ўқишга кирибди, ТошМИга-я! Оддий оиланинг боласи юрак ютиб Тошкентдек жойга бориб, ўқишга кирганини қара, – ҳар доимгидек хотинига жаврай кетди раис. – Болангнинг ўқишини нуфузли бир одам билан гаплашиб қўйгандим. Имтиҳонларни учга эпласа ҳам

«ОТАСИНИ ТАНИМАТАН НОДОН»

(воқеий ҳикоя)



майли, мандатдан ўтказиб бераман, деганди. Бу бўлса биринчи имтиҳондаёқ ноль олиб ўтирибди, ноль!

– Сиқилманг, дадаси, бу йил бўлмаса кейинги йил кирар. Яна қон босимингиз ошиб кетади. Келинг, аччиқ чой дамладим, ичиб олинг.

– Субхон чўпон киму, мен кимман, хотин! Тўртта ўғли оёғини зўрға судрайдиган, дангаса, номига далага бориб келадиган молбоқар йигитлар. Катта ўғлини сувчиликка қўйсам, шу ишни ҳам эпложмади. Ҳайронман, бу ўғли қандай қилиб...

– Майли, шу камбағалнинг ҳам косаси оқарса оқарибди. Лочин ўғлини ўзи ёшлигидан бошқача бола дейишарди. Убайдулла билан бир кунда туғилган, тенгдош. Қишлоғимиздан дўхтир чиқадиган бўпти-да, омадини берсин.

Орадан бир йил ўтди.

– Иброҳим ака олдингизга битта йигитча келди, зарур илтимосли иши бор экан.

– Майли, кирсин, – қандайдир ҳужжатлар билан овора бўлиб ўтирган раис истар-истамас қоғозлардан бош кўтарди.

– Ассалому алайкум.

Хонага бўйчан, келишган Лочинбек кириб келганида раис қандай қилиб ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. Йигитнинг қиёфасида ўзининг ёшлигини кўргандек бўлди.

– Кел, ўғлим, кел. Янглишмасам, Субхон аканинг ўғли Лочинбексан, шундайми?

– Худди шундай, – жилмайган ҳолда дадил жавоб қайтарди йигит.

– Ўқишларинг яхшими, қийналмаяпсанми? Ўқишга иштиёқи баланд йигит-қизларни яхши кўраман. Юртнинг келажаги сизларга боғлиқ. Биздан нима ёрдам, ўғлим?

– Ўқишларим яхши, раҳмат, ҳаммаси жойида. Оиламиз учун ёрдам сўрамоқчи эдим.

– Қандай ёрдам керак?

– Иккита акамни уйлаганмиз. Ҳовлимиз торлик қиляпти. Шунга уй-жой масаласида ер сўраб келгандим.

– Отанг, акаларинг турганда сен келдингми, ўғлим?

– Дадам биласиз, содда гапга нўноқ. Акаларим ҳам...

– Даданг, акаларингнинг колхозга кўп меҳнати сингган. Уй-жой олишга ҳақли, албатта. Бироқ ер масаласи жуда қийин. Юқоридан келган буйруқларга асосан, пахта майдонларини кенгайтирсак кенгайтиряпмизки, қисқартириш йўқ. Битта ҳовлида учтадан келин билан ўтирган хонадонлар нечта. Хуллас, ўйлаб кўрамиз, ўғлим. Сен ҳозирча уй-жой учун ариза ташлаб қўй. Қандай ёзишни котиба тушунтиради.

Лочинбек чиқиб кетгач, Иброҳим раиснинг кўксини аллақандай туйғу эгаллади. «Қизиқ, бу йигитнинг ўзини тутиши, дадиллиги, гапириш оҳанги ёшлигимни эслатди. Қайси бир томондан менга жуда ўхшаш.

Лекин Субхон чўпон билан ҳеч қандай қариндошчилигимиз йўқ. Тўхта... – хаёлига келган фикрдан раиснинг юраги алланечук бўлиб кетди. – Хотиним бу болани Убайдулла билан бир кунда туғилган, деганмиди...» Раис уйига қандай етиб келганини сезмай ҳам қолди.

– Онаси, қаердасан... Хулкар?

– Шу ердан, дадаси, уйданман, – ичкаридан шошилиб чиқди Хулкар опа.

– Сен Убайдулла билан чўпоннинг ўғли Лочинни бир кунда туғилган, деганмидинг?

– Ҳа, Субхон аканинг хотини Манзират опа билан туман марказидаги туғуруқхонада бир кунда кўпайишганмиз, битта хонада ётганмиз.

Иброҳим раис бироз ўйланиб турди-да, шитоб билан ортига қайтди. Хотинининг «нима гап, дадаси, тинчликми?» деган саволи жавобсиз қолди. У ўзини қўярга жой тополмасди. «Бундан чиқди туғуруқхонада болалар алмашган. Лочинбек менинг ўғлим бўлиши мумкин. Бунинг тагига тезроқ етмасам бўлмайди...»

Орадан ойлар ўтди. Иброҳим раис йўлини қилиб Лочинбек билан ўзининг оталик тестини амалга оширди. Бироқ бу ҳақда хотинига оғиз очмади. Анализ жавоби чиққан кун уни ҳаяжонли титроқ босди. У янглишмаганди, Лочинбек унинг ўғли!



Иброҳим раис икки ўт орасида қолди. Бу сирни ошкор қилиш керакми-йўқми, нима қилса тўғри бўлади. Агар ҳозир сирни очса, икки оила ҳаловати-га путур етади, қанча кўнглилар дарз кетади, қанча диллардаги меҳр қалқийди. Икки йигит-чи... уларнинг аҳволи, келажаги... У ҳозирча ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолишни афзал билди. Балки маълум вақт ўтиб, аёлига айтар. Доимо молхонада ўралашиб юрадиган Убайдулла ўғлини кўз олдида келтириб, чуқур уҳ тортиди. Унга ортик зуғум қилмасликка, от олиб беришга қарор қилди.

Орадан кўп ўтмай Лочинбек унинг олдида яна келди.

– Раис бува, бизга тезроқ ер бермасангиз бўлмайди, оилали акаларим бир-бири билан ҳеч чиқишмаяпти. Ота-онам сиқилиб қоляпти.

– Эрта-индин комиссия аъзолари билан ер масаласини кўриб чиқамиз. Сенинг аризангни ҳам ижобий ҳал қилишга ҳаракат қиламан, ўғлим.

– Эртага ўқишга Тошкентга қайтаман. Уйдагиларга бизга ер берилишини айтиб, суюнтириб қўйсам бўладими?

– Ҳали аниқ эмас, ҳаракат қиламан, дедим-ку. Лекин ваъда беролмайман.

– Майли, кутамиз, раис бува. Яхшилигингизни унутмайман, – Лочинбек бироз зардали оҳангда миннатдорчилик билдириб, шахт ила хонадан чиқиб кетди.

Иброҳим раис унинг ортидан армон ила маҳзун пичирлади: «Зардаси ҳам, ғайрати ҳам худди ўзим. Ҳа, отасини танимаган нодон болам, нодон...»

– Ҳали аниқ эмас, ҳаракат қиламан, дедим-ку. Лекин ваъда беролмайман.

– Майли, кутамиз, раис бува. Яхшилигингизни унутмайман, – Лочинбек бироз зардали оҳангда миннатдорчилик билдириб, шахт ила хонадан чиқиб кетди.

Иброҳим раис унинг ортидан армон ила маҳзун пичирлади: «Зардаси ҳам, ғайрати ҳам худди ўзим. Ҳа, отасини танимаган нодон болам, нодон...»



Зулфия ЮНУСОВА, «Vatanparvar»

ҚЎЛ ЖАНГИ

Тошкент ҳарбий округи ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида Мудофаа вазирлиги қўшинлари миқёсида қўл жанги чемпионати ўтказилди. Саккиз нафар ҳарбий хизматчидан иборат терма жамоалар 8 вазн тоифасида беллашдилар.

Силкиниб-силкиниб майдонга кириб келган ҳарбий хизматчиларнинг ўзларига ишончи кўзга яққол ташланади. Аслида улар финалгача ҳам қанча рақибларини доғда қолдирган. Мухими, кўзлари чақнаб турган юрт ўғлонлари ҳар қандай рақиб қаршисига мардонавор чиқа олади. Мардлик ва жасурликни ошириб, жисмонан тоблайдиган ушбу мусобақада, шу маънода мағлублар йўқ, дейиш мумкин. Бу фикримизни мусобақа иштирокчиларининг ҳар бир чиқишини олқишлаб турган томошабинлар ҳам тасдиқлаши турган гап.

Ватан ҳимоячилари билан биргаликда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти бўлими вакиллари, ўқувчи ёшлар

МАҒЛУБИЯТСИЗ МУСОБАҚА



гувоҳлигида ўтган шиддатли мусобақалар натижасига кўра, 60 кг вазн тоифасида 1-ўринга контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мирзоир Музаффаров (ШҲО) сазовор бўлди. 65 кг вазн тоифасида эса 1-ўринни контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Соҳиб Сулаймонов (ЖФМҲО), 70 кг вазн тоифасида контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Далер Йўлдашев (МҲО), 75 кг вазн тоифасида кичик сержант Имомали Эргашев (ТҲО), 80 кг вазн тоифасида курсант Жасур Мамадаминов (ЧОТҚМБЮ), 85 кг вазн тоифасида контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар О. Мунавваров (ШҲО), 90 кг вазн тоифасида курсант Мухриддин Нусуров (АКТ ва АҲИ), 90 кг. дан юқори вазн тоифасида оддий аскар Самандар Жаппаров (ТҲО) қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Шарқий ҳарбий округ жамоаси эгаллаган бўлса, 2-ўринга Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ жамоаси вакиллари, 3-ўринга эса Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти жамоаси сазовор бўлди.

Мардлар майдонида дўстона рақиблар куч синашди. Улар мусобақа давомида ўзларини яна бир синаб кўриб, тобладилар. Келгусида халқаро мусобақа ва беллашувлар кутаётгани Ватан ҳимоячилари зиммасидаги масъулият залворини янада оширади.

**Катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»**

БОКС

Қўмондонлик биринчилиги бахслари ўтказилди

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги бошқарув аппаратида бокс бўйича қўмондонлик биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Ҳарбий хизматчиларни спорт машғулотларига кенг жалб этиш, жисмоний имкониятларини янада ошириш, шахсий таркиб ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ахлоқий ва руҳий сифатларини тарбиялаш мақсадида ташкил қилинган мазкур мусобақада юрт ҳимоячилари 63 кг, 69 кг, 75 кг, 81 кг, 91 кг ва +91 кг – жами 8 та вазн тоифасида жанг олиб бордилар. Қизғин ва муросасиз кечган бахсларда тинимсиз машқлар ҳамда йиллар давомида тўпланган тажриба ўз сўзини айтди.

Олий тоифали мураббий ва ҳакамлар томонидан ҳар бир баҳс холисона баҳолаб борилди. Асосий эътибор мусобақа шартларига тўлиқ риоя этилиб, реферинг кўрсатма ва талабларига амал қилиниши ҳамда ҳарбий хизматчилар томонидан бокс усулларининг беҳато бажарилишига қаратилди.

Натижаларга кўра, яққалик баҳсларида 63 кг вазн тоифасида ўз маҳоратини кўрсатган лейтенант Муҳаммаджон Маҳмудов, 69 кг вазн тоифасида контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Шаҳбоз Ҳақбердиев, 75 кг вазн тоифасида контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Аббос Юсуфбоев, 81 кг вазн тоифасида контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Элёр Муяссаров, 91 кг вазн тоифасида контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Муҳаммаджон Абдиматов ва +91 кг вазн тоифада контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Манзар Бозоровлар 1-ўринни қўлга киритди. Ғолиблар мусобақанинг Мудофаа



вазирлиги босқичига йўллангани қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида эса 1-ўрин Тошкент шаҳрида жойлашган қўшилма спортчиларига насиб этди. Иккинчи ўринни Қашқадарё вилоятида жойлашган қўшилма жамоаси қўлга киритган бўлса, 3-ўринга Фарғона вилоятида жойлашган қўшилма жамоаси эгалик қилди.

Ғолиблар диплом, кўчма кубок ва қўшинлар қўмондонининг эсдалик соати билан тақдирланди.

**Капитан Фариди БОБОЖОНОВА,
Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари
қўмондонлиги матбуот хизмати бошлиғи**

ХУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш ҳамда ислоҳ этиш жараёни изчил амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлар аввало инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Шу ўринда инсон ҳуқуқлари қаторида хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳам муҳим ўринга эга эканини таъкидлаш лозим. Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш даражаси ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий ривожланганлик ва маънавий мақомини ўзида акс эттиради.

Маълумки, давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан кенг қўлдан олиб борилмоқда. Миллий қонунчилик базасининг асоси бўлган Конституциямизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган бўлиб, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги реал тенглигини таъминлаш ва уларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари бир қатор конституциявий нормаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлидирлар», деган қоида мустаҳкамланган.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини амалда таъминлаш борасида, Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан ҳам амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Қуролли Кучлар қўшинлари қўмондонликлари билан ҳамкорликда ҳарбий қисмларда тарғибот тадбирлари ва сайёр қабуллар ўтказилиб, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг муаммоларини ўрганиш тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Ўрганишларда ҳарбийларнинг турмуш ўртолқларини ва бошқа оила аъзоларини бевосита тинглаш орқали уларнинг турмушдаги ва ижтимоий ҳаётдаги бошқа муаммолари аниқланиб, аксарият масалалар жалб этилган мутахассислар иштирокида ижобий ҳал этилмоқда.

Шундай тадбирлардан навбатдагиси Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳарбий қисмлардан бирида ҳарбийларнинг оила аъзолари ўртасида ташкил этилди. Унда фарзандларни мактаб ва боғчага жойлаштириш, кредит, банк, ишга жойлашиш, яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш каби ва бошқа масалалардаги муурожаатлар тингланиб, уларни шу жойнинг ўзида ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди.

**Адлия майори Кахарман ИСМАЙЛОВ,
Нукус ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси**

КУЛЬТУРНО-МАССОВОЕ МЕРОПРИЯТИЕ

КОНЦЕРТНЫЙ ТУР ВОЕННОГО АНСАМБЛЯ



Артисты и певцы Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил Республики Узбекистан прибыли со своей концертной программой в Джизакскую область. В концерте, организованном местным хокимиятом, а также руководством Министерства обороны, приняли участие жители схода граждан махалли Чолкувар Арнасайского района.

Большая часть населения в настоящий момент участвует в сборе хлопка, вносит свой вклад в экономику страны, и конечно же, за это поощряется. Цель визита ансамбля в прохладные осенние дни подарить людям радость и теплоту, поднять настроение.

В концерте артистами Центрального ансамбля были спеты хиты как отечественных, так и зарубежных исполнителей. А вот от патриотических песен у людей поднялся дух, по их лицам пробежала радость и улыбка.

Самым желанным гостем события стала заслуженная артистка Республики Узбекистан Гули Асалхужаева. Ее песни сопровождалась танцами и аплодисментами жителей Чолкувара.

Участники Центрального ансамбля песни и танца Вооруженных Сил Республики Узбекистан планируют побывать и в других регионах нашей страны. Как говорится, тур обещает быть увлекательным и интересным!

Чингиз РАИМБЕРДИЕВ

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

Газ плитасини ёқишдан олдин хонада газ ҳиди борлиги текшириб кўрилади. Агар хонада газ ҳиди пайдо бўлган бўлса, дарҳол барча очиқ алангалар ўчирилади, плита олдидаги умумий газ жўмраги ёпилиб, дераза ва эшиклар очилади ва хона шамоллатилади.

Электр асбобларини ёқиш ва ўчириш қатъиян тақиқланади. Бундан ташқари, ошхонадаги шамоллатиш тизимини ишлаш-ишланмаслигини тутун ёрдамида текшириб туриш лозим. Агар газ плитаси балконга абонент томонидан чиқарилган бўлса, туман газ ходимлари билан келишилган ҳолда сунъий шамоллатиш тизими газ плитаси тепа қисмига ўрнатилиши шарт.

Агар газ чиқиши ёки сизининг ўз кучингиз ёрдамида бартараф этишнинг имкони бўлмаса, зудлик билан шахар, туман газ идораларининг носозликни бартараф этиш гуруҳи ходимларини чақиртириш лозим.

Қатъий тақиқланади:

– ёниб турган алангани пуфлаб ўчириш;

Газ ва иситиш мосламаларидан тўғри фойдаланайлик!

– плита устидаги панжарани олиш ва горелкаларнинг устига идишларни тўғридан-тўғри қўйиш;


– плита устига тез ёнувчан ва тез алангаланувчан буюм ва нарсаларни қўйиб қуритиш;

– носоз газ плитасидан фойдаланиш;

– хоналарни газ плитасидан доимий ёқиб қўйилган ҳолатда иситиш учун фойдаланиш.

Газ плитасининг бир меъёрада ишлаши бузилганда, хонада инсон ҳаёти учун хавфли 5% метан газини ёки тўлиқ ёнмаган ҳолатда углеводород оксидидан заҳарланишнинг биринчи белгилари: бошнинг оғриши ва айланиши, кучли юрак уриши, қулоқда шовқин пайдо бўлиши, бош айланиши, мадорсизлик.

Кучли заҳарланганда: қайт қилиш ва ҳаракатланишни бирдан йўқотиш пайдо бўлади. Заҳар-



ланганда дарҳол жабрланганни тоза ҳавога олиб чиқиб, текис жойга ётқизилади, нафас олиши яхшиланиши учун ёқаси ва кўкрак қисми кийимдан бўшатилади, нашатир спирти ҳидлатилиб, ухлаб қолишига йўл қўймасдан, шифокор чақиртирилади. Жабрланган нафас

олмаса, шифокор келгунга қадар, сунъий нафас бериб турилиши лозим.

**Майор Бахтиёр ЭРГАШЕВ,
Фарғона гарнизони
ёнғин назорати
инспекцияси бошлиғи**

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

“ Янги инновацион ғояларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Наманган шаҳар ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) ўтган йилнинг май ойида фаолиятини бошлаган эди. Ўтган қисқа фурсатда ЎСТК жамоаси томонидан ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолоти йўлида ҳамда уларни ватанпарварлик тамойиллари асосида тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Муассасада ёшларни интеллектуал ва жисмонан камол топтириш, уларнинг қизиқишларини ошириш ва бу борадаги қобилиятларини ривожлантириш учун барча шароит яратилган.

– Ўқув-спорт техника клубимиз давлатимиз раҳбарининг 2018 йил декабрдаги «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори билан тасдиқланган «Йўл харитаси»га мувофиқ барпо этилган, – дейди ЎСТК бошлиғи Ҳабибулло Жўраев. – Клуб мажмуасида 17 та назарий ўқув, янги 2 та лаборатория ўқув-амалий машғулоти, маънавият ва маърифат хоналари, ўқув-машқ майдони, автомобилларни сақлаш учун махсус усти ёпиқ ва автомобилларни ювиш жойлари, техник назорат маскани, ташкилот ҳудудида ишчи-хизматчилар ва ҳайдовчиликка таҳсил олувчи ўқувчиларнинг маданий дам олишлари учун рангли фаввора ва бошқа кўплаб қулайликлар, зарур техник ва хўжалик иншоотлари мавжуд.

Ҳар бири 25 нафар ўқувчига мўлжалланган ўқув хоналари инновацион ғоя ва технологиялар асосида жиҳозлаган. Сўнгги русумдаги ахборот-коммуникация технологиялари, телевизор ва «Smart Board M - 600» интерфаол доскалар, «Ласетти» автомобили ва «UzOtayol» автобусининг ҳаракатланувчи қирқимли модели, светофорлар ва аҳоли яшайдиган ҳудуд макетлари, иккита замонавий автотренажёр, темир йўл кесишмаси ва унда ҳаракатланувчи электровоз назарий ва

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА



амалий машғулотлар уйғунликда олиб борилишини таъминлайди.

Барча ўқув-амалий машғулот хоналаридаги йўл ҳаракатига оид белгилар, панно ва бошқа кўргазмалар воситалар электрон тизимда ишлайди. Енгил ва юк автомобилларининг ички механизмлари, қирқилган макетлари ҳар бир деталнинг тузилиши ҳамда вазифаси ҳақида ўқувчининг тўлиқ тасаввур асосида билими ва тажрибасини бойитишга хизмат қилади. 3,5 x 5,5 метр ўлчамдаги кўчма шаҳарча макети умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлашга қўл келмоқда.

Айни пайтда ЎСТКда «А», «В», «ВС», «ВЕ», «СЕ», «D» тоифадаги ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида мингдан зиёд фуқаролар ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлди.

Акбар АЛЛАМУРОВ

Наманган шаҳар ЎСТК жамоаси автомобилни ишончли бошқаришни ўрганишни хоҳловчиларни «А», «В», «С», «ВС», «ВЕ», «СЕ» ҳамда «D» тоифали ўқув курсларига таклиф қилади. Назарий машғулотлар тажрибали ўқитувчилар томонидан онлайн тарзда олиб борилади. Амалий машғулотлар эса замонавий русумдаги ўқув автомобилларида санитария-гигиена қоидаларига амал қилинган ҳолда ташкил этилмоқда.

Манзил: Наманган шаҳар Имом Бухорий Шароф кўчаси, 1-«А» уй.

Мурожаат учун телефонлар: 94-500-20-06, 0-369-234-25-70.

Хизматлар лицензияланган.

ХОРИЖ АРМИЯЛАРИДА

Осиё қитъасининг жанубий қисмида жойлашган, аҳоли сони бўйича дунёдаги энг йирик давлатлардан бири бўлган Ҳиндистон Қуролли Кучларининг асосий турларидан бири ҳисобланувчи Ҳарбий денгиз кучлари (ҲДК) минтақадаги энг қудратли ва ҳар томонлама яхши таъминланган ҳарбий флотлардан бири ҳисобланади.



ҲИНДИСТОН ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ

ҲДК бўлинмалари зиммасига мамлакатга қарашли ороллар ҳудуди, ҳудудий сувлар ва алоҳида иқтисодий зонада жойлашган қирғоқ инфратузилмаси объектлари, денгиз ва океандаги коммуникацияларни ҳимоя қилиш, куч тузилмаларининг ҳарбий денгиз базалари, жойлашув пунктлари ва денгиз портларини душман ҳужумидан муҳофаза қилиш борасидаги ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш, бевосита хавф ва таҳдидлар юзага келган ҳолатларда денгиз базалари ва портларни тўсиш, душманнинг қирғоқ инфратузилмасини йўқ қилиш бўйича денгиз операциялари ва жанговар ҳаракатлар олиб бориш, денгизга яқин йўналишларда Қуруқликдаги қўшинларни қўллаб-қувватлаш ва денгиз десанти туширилишини таъминлаш, қидирув-қутқарув ва инсонпарварлик операцияларини ўтказиш, денгиз қароқчилари, қуроллар ва ғиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш олиб бориш сингари вазифалар юклаган бўлиб, булар Ҳиндистоннинг миллий манфаатлари таъминланишига бевосита таъсир кўрсатади.

ҲДК штаби умумий сони деярли 75 минг кишидан иборат бўлган бу турдаги қўшинларнинг асосий бошқарув органи бўлиб, у бўйсунувчи бирлашма, қўшилма ва қисмларни жанговар шай ҳолатда сақлаб туриш учун масъул ҳисобланади, шунингдек, ривожланиш ва модернизация дастурлари, мавжуд куч ва воситаларни жанговар қўллаш режалари, оператив ва жанговар тайёргарлик, тегишли қуроллар ва жанговар техника билан таъминлаш, оператив, техник ва фронт орти таъминотини ташкил қилиш масалалари билан шуғулланади.

Ҳиндистон Ҳарбий денгиз кучларини бутлаш ихтиёрий асосда амалга оширилади. Бунда ҳарбий хизматга танлов офицерлар учун ҳарбий ўқув юрталари – Миллий ҳарбий академия (ўқиш муддати 3 йил) ва ҲДК академиясида (2 йил) ўқиш орқали; кичик командирлар ва оддий аскарлар таркиби учун эса мамлакат Қуролли Кучларининг профессионал танлов хизмати таркибига кирувчи ихтисослашган марказлар орқали ташкил этилади.

ҲДКнинг тузилмавий таркибига Ғарбий, Шарқий ва Жанубий (ўқув) минтақавий қўмондонликлар (штаблари мос равишда Мумбай, Визакхапатнам ва Кочин ҳарбий денгиз базаларида жойлашган), иккита флот, 11 та ҳарбий денгиз райони, кemasозлик корхоналари ҳамда бир қатор ўқув муассасалари киради.

Бу турдаги қўшин тасарруфида 78 та жанговар кема (шу жумладан, атом сув ости кемаси, 14 та дизель-электр сув ости кемаси, «Викрамадитья» номи авиаташувчи кема (собик «Адмирал Горшков» номи авиаташувчи крейсер), Ҳиндистоннинг ўзида қурилган ва «Викрант» деб номланган биринчи авиаташувчи кема ҲДКга 2021 йилда топширилиши режалаштирилган), 11 та эсминец, 14 та фрегат, 2 та корвет, 6 та соқчи, 4 патруль, 9 та десант кемалари,

шунингдек, 8 та кичик ракета кемаси, 6 та тралчи кема), 4 та ўқув кемаси, 60 та катер (10 та ракета, 20 та соқчи, 10 та десант ва 20 та патруль катери), 9 та гидрографик ва 10 та ёрдамчи кема бор.

ҲДК таркибига кирувчи денгиз авиацияси 70 та жанговар самолёт (шу жумладан, МиГ-29К/КУБ типидagi қирувчи, Ил-38,



Р-61 «Нептун», До-228 «Дорнье», «Айлендер» типидagi патруль самолётлари, «Киран» Мк 2 ва «Хок» Мк 132 типидagi ўқув-жанговар самолётлари), 120 та вертолёт (Ка-25, Ка-28, «Си Кинг» Мк 42, «Дхрув», «Четак» типидagi) ҳамда 15 та учувчисиз учиш аппаратлари («Сёрчер» Мк 2, «Герон-1» ва ҳ.к.) билан таъминланган.

Қирғоқ артиллерияси ракета дивизионлари, артиллерия ва зенит тўплар батареяларига бирлаштирилган бўлиб, уларга қарашли қуроллар таркибидан П-15 ва «Рубеж-Э» типидagi ракеталар учун мўлжалланган 15 та ишга тушириш қурилмаси, 100 дан ортиқ турли типдаги артиллерия тўплари жой олган.

Ҳиндистон Ҳарбий денгиз кучлари ривожланган инфратузилмага эга бўлиб, унинг таркибига 6 та ҳарбий денгиз базаси, 4 та жойлашув пункти, 7 та авиабаза, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш корхоналари, ўқув-машғулот марказлари ҳамда илмий-тадқиқотчилик муассасалари киради.

Қўшин миқёсида олиб бориладиган оператив ва жанговар тайёргарлик барча даражадаги ҳарбий бошқарув органлари ва штабларнинг жанговар ҳаракатларни режалаштириш ва уларни амалга оширишга тайёргарлик кўриш борасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, бирлашма, қўшилма ва қисмларнинг жанговар ва сафарбарлик шайлигини ошириш, ҳарбий флот, денгиз авиацияси ва қирғоқ қисмларига қарашли турли кучларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлари уйғунлигини шакллантиришга йўналтирилган. Ҳар йили ҲДК штаби ва бошқарув органлари томонидан турли қўламдаги, шу жумладан қўшинлар турлари иштирокида 40 дан зиёд тадбирлар (ҳарбий машқлар, қўмондонлик-штаб машқлари ва махсус

машғулотлар) ўтказилади.

Ҳарбий денгиз кучларини ривожлантиришнинг яқин келажакка мўлжалланган истиқболли режаларига мувофиқ қўмондонлик мазкур қўшин турининг жанговар имкониятларини янада оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун бошқарув органларининг ташкилий-штат тузилмасини янада оптималлаштириш, турли типдаги кемалар миқдорини ошириш, янги авиация техникаларини харид қилиш ва мавжудларини модернизациялаш, қирғоқ инфратузилмаси объектларини такомиллаштириш кўзда тутилган. Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун ҳар йили 3,5 миллиард доллардан ортиқ миқдорда маблағ ажратилмоқда. ҲДК раҳбарияти асосий эътиборни сув ости кучларини қуриш, мамлакатдаги мавжуд кemasозлик корхоналарида жанговар кемалар ва катерлар, шунингдек, ёрдамчи кемалар қурилиши сифатини ошириш ва уларни жанговар таркибга киритиш мuddатларига қатъий риоя қилиш, фойдаланилаётган жанговар техникаларни модернизациялаш ва таъмирлаш масалаларига қаратмоқда. Ҳозирда мамлакат верфларида 40 дан ортиқ кемалар, катер ва ёрдамчи кемалар қурилмоқда. Денгиз авиацияси парк қудратини ошириш ва янгилаш дастури амалга оширилмоқда. 2027 йилга бориб ҲДК таркибидан 120 дан зиёд жанговар кема, шу жумладан 2 та авиаташувчи, 24 та сув ости кемаси (уларнинг 6 таси маҳаллий мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган атом сув ости кемаси), 20 тагача эсминец, 30 га яқин фрегатлар, 30 та патруль кемаси, 100 тагача жанговар катер, шунингдек, 60 та МиГ-29К/КУБ типидagi қирувчи ҳамда 30 дан ортиқ «Теджас» типидagi енгил қирувчи самолёт, 60 га яқин кемаларга қарши ва патруль самолётлари ҳамда 280 дан зиёд турли типдаги вертолётлар бўлишига эришиш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳозирги вақтда Ҳиндистон Ҳарбий денгиз кучлари юқори жанговар салоҳиятга эга ва мамлакатнинг миллий манфаатларини таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишга қодир, деб ҳисобланади.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ КУТИЛМАГАН ҚАРОРИ



АҚШ Президенти Дональд Трамп мамлакатда ўтказиладиган президентлик сайловлари арафасида Россия билан стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш ва чеклаш тўғрисида Шартнома тузишни режалаштирмоқда, деб хабар қилади Аxiос нашри. Таъкидланишича, Оқ уй маъмурияти Россия Президенти В. Путин билан ядровий битим бўйича принципаал келишувга эришган. Трампнинг бундай қарорга келиши республикачилар партияси амалдорлари ва Оқ уй ходимлари учун кутилмаган ҳодисага айланган.


ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ОҚИБАТИДА



БМТнинг глобал фалокатлар хавфини қисқартириш агентлигининг маълумотига кўра, дунё иқтисодиёти ўтган 20 йил давомида юз берган табиий офатлар туфайли қарийб 3 триллион доллар миқдоридан зиёд кўрган. Бунга асосан сайёрамиздаги иқлим ўзгаришлари ва экстремал иқлим шароитлари сабаб бўлган. Таъкидланишича, 2000 йилдан то 2019 йилгача жами 7 348 та глобал табиий офатлар рўй берган ва улар 1,23 миллион кишининг ўлимига сабаб бўлган. Фожиалар сабабли дунё иқтисодиёти 2,97 триллион доллар йўқотган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

УЧ ТОМОНЛАМА УЧРАШУВ



Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров арманистонлик ҳамкасби Зограб Мнацаканян билан ўтказган учрашувдан сўнг, «Москва Тоғли Қорабоғ бўйича келишувга Боку ҳам, Ереван ҳам амал қилишига умид билдиради», деди. Сергей Лавров Озарбайжон ва Арманистоннинг Тоғли Қорабоғ бўйича Москвадаги уч томонлама учрашувида эришилган келишувни Туркия ҳам қўллаб-қувватлашини таъкидлаб ўтди, деб хабар беради «РИА Новости».

БУ ҚИЗИҚ

ҲАРАКАТДАГИ ХАВФЛИ ВУЛҚОНЛАР



Колима

Мексиканинг ғарбида жойлашган Халиско штати таркибида Колима номли ўта мураккаб вулқон маркази мавжуд. У 2 та Невадоде-Колима номи ила аталувчи тепаликдан ташкил топган бўлиб, ўша тепаликларнинг бири ўлик, бири тирик вулқон саналади. Ҳаракатдаги вулқон Волкан-де-Фуэго-де-Колима деб номланган ва у таржима қилинганда оловли вулқон маъносини беради. Колима вулқонининг биринчи отилиши ҳақида аниқ маълумот йўқ, бироқ 2017 йилнинг 19 январь куни у ўзининг борлигини нафақат Мексика, балки бутун дунёга кўрсатиб қўйган. Ўша куни у вулқондан чиққан кул икки километр баландликкача кўтарилиб, бутун Халиско штатида йўл ҳаракатларининг тўхтаб қолишига ва яқин ўртадаги аҳолининг эвакуация қилинишига сабаб бўлган. Колима вулқонининг 2019 йилда яна ҳаракатга келгани ва у умумий сонларда 1,5 миллион аҳолига катта хавф тўғдиргани кўпчиликка маълум.

Этна

Италиянинг Сицилия соҳилларида Мессино ва Катания шаҳарларига яқин ҳудудда ҳаракатдаги, яъни тирик Этна вулқони мавжуд бўлиб, унинг тарихи бундан 5 минг йил олдинга бориб тақалади. 1 190 квадрат метр ҳудудни қамраб олган Этна вулқонининг баландлиги 3 295 метрни ташкил этади. Тарихий маълумотларга кўра, Этна вулқони ҳар 150 йилда бир марта фаол ҳаракатга келади ва ўша ҳаракатга келиб отилганда ҳар сафар камида 100 минг кишининг ёстиғини қуритади. Этна вулқони биринчи марта эраמידан аввалги 1226 йилда, сўнгги марта эса 2019 йилнинг 31 май куни отилган. Унинг 2015 йилнинг 3 декабридаги портлаши эса Этнага яқин ҳудудда қад кўтарган Катани халқаро аэропортининг ёпилиши билан хотима топган. Мутахассисларнинг таъкидлашига кўра, Этна вулқони бир миллион икки юз етмиш уч минг нафар киши ҳаётига жиддий хавф соларкан.

Уларнинг тахминига кўра, агар Этна яна портлагудек бўлса, ўша бир миллион икки юз етмиш уч минг нафар кишини қисқа вақт ичида вулқон атрофидан кўчиришнинг умуман имкони бўлмайди. Бунга эса асосий сабаб ундан бутун атрофга отиладиган қора рангдаги заҳарли куллар бўлади.

Мауна Лоа

Ҳозирги Гавайи ороллари таркибида Мауна Лоа номли вулқон бўлиб, у Ер юзидаги мавжуд ҳаракатдаги қалқонсимон вулқонларнинг энг каттаси ҳисобланади. Вулқоншунос олимларнинг ўрганишлари натижасига кўра, Мауна Лоанинг лаваси Тинч океанининг қарийб 10 минг метр тубидан чиқиши маълум бўлади. Баландлиги 4 169 метр бўлган Мауна Лоа қалқонсимон вулқони 1832 йилдан бошлаб отилиши кузатилган. Уни ўрганиш эса 1912 йилдан Гавайи вулқон обсерваториясида бошланган. Мауна Лоа 1984 йилнинг 15 апрель куни отилган бўлиб,

ўша куни унинг лаваси Хила шаҳридан 8 километр масофагача етиб келган. Шундай бўлишига қарамай, Мауна Лоа ҳозирги кунда Хавайи-Волкейнос миллий боғи таркибига киритилган ва уни бугунги кунда Гавайига ташриф буюрадиган жуда кўп сонли сайёҳлар бориб томоша қилиш имкониятига эгадир. Бироқ шуни унутмаслик керакки, мутахассислар Мауна Лоанинг яна қачон бўй кўрсатиши ҳақида аниқ тахмин ё фикр билдирилган эмас. Сабаби эса жуда оддий: у жумбоқли йирик қалқонсимон вулқон ҳисобланади. Аммо бир нарсани аниқ айта олишимиз мумкинки, Мауна Лоа вулқони ўз атрофидаги 175 минг аҳоли вакиллари учун жуда катта хавфдир.

Санта-Мария

Гватемалада Кордильери тоғ тизмаси таркибига кирувчи Сьерра-Мадре номли тепалик бўлиб, унда Санта-Мария номли денгиз сатҳидан 3 772 метр баландликда жойлашган вулқон бор. Санта-Мария вулқони 500 йилгача ўлик вулқонлар қаторига кирган бўлса-да, у 1902 йилнинг октябрида ҳаракатга келади. Ўша йилда ундан отилган вулқон кукунлари 5,5 километр квадрат ҳудудни қамраб олган. Ундан ташқари, унинг портлаши Санта-Мариядан 800 километр узоқликда жойлашган Коста Рикагача эшитилган. 1902 йилда 6 мингдан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлган Санта-Мария 1929 йилда яна портлаган. Бу сафар у 7 мингдан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган. Санта-Мария вулқони ҳам мураккаб, жумбоқли вулқонлар қаторига киради. У 2004 йилнинг 21 август куни яна ҳаракатга келади. Орадан 7 йил ўтиб, аниқроғи, 2011 йилда отилади. Ўша йилги вулқон отилишида ҳеч ким жабр кўрмаган бўлса-да, бу портлаш, мутахассисларнинг фикрига кўра, унинг тўлиқ портлаши бўлмаган. Бундан келиб чиқадиги Санта-Мария ҳали яна ўзини кўрсатади. Мазкур вулқоннинг олти миллион икки юз минг нафар кишининг ҳаётига жиддий хавф солиш эҳтимоли катта.

С. МАМИРЖОНОВА
тайёрлади.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ РЕЖИМИ



Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков оммавий тартибсизликлар натижасида қонунбузарликлар ва инсонлар ҳаёти ҳамда саломатлигига нисбатан жиддий хавф-хатарлар юзага келаётгани сабабли Бишкек шаҳри ҳудудида 9 октябрдан бошлаб фавқулодда ҳолат режими жорий этилиши тўғрисидаги фармонни имзолади, деб хабар қилади давлат раҳбарининг матбуот хизмати. Фавқулодда ҳолат Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасига мувофиқ жорий этилган.

АМАЛДАГИ ПРЕЗИДЕНТ ҒОЛИБ



Маълумки, 11 октябрь куни Тожикистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 85,39 фоизи иштирок этган. Сайловлар натижаларига кўра, амалдаги давлат раҳбари, 1994 йилдан буён Президент лавозимини эгаллаб келаётган 68 ёшли Эмомали Раҳмон 90,9 фоиз овоз олишга эришган ва мутлақ ғолиб бўлган. У 1994, 1999, 2006 ва 2013 йилларда ўтказилган сайловларда ҳам муваффақият қозонган эди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

УМУМИЙ КЎРСАТКИЧ ПАСАЙГАН



2020 йилнинг биринчи ярмида Россиянинг «Газпром» компанияси Туркменистондан харид қилинаётган газ ҳажмини 41,67 фоизга оширган. 2019 йилнинг дастлабки олти ойида «Газпром» Туркменистондан 1,2 млрд куб газ харид қилган бўлса, 2020 йилнинг айнан шу даврда бу кўрсаткич 1,7 млрд кубга етган. Шу билан биргаликда, компания томонидан Марказий Осиё давлатларидан харид қилинаётган газнинг ялпи ҳажми 70,69 фоизга камайган (2019 йилда – 9,9 млрд куб, 2020 йилда – 5,8 млрд куб).

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ҲАЙДОВЧИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ Кўнгилдагидек ташкил этилмоқда

Маълумки, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув-спорт техника клублари ҳайдовчилар тайёрлаш ҳамда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида катта тажрибага эга. Хусусан, ташкилотнинг Фарғона вилояти кенгаши тасарруфидаги Олтиариқ тумани ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) фаолияти мисолида қарайдиган бўлсак, ҳайдовчи мутахассислар тайёрлаш жараёнининг юқори савияда ташкиллаштирилаётганлигининг, қолаверса, назария ва амалиёт уйғунлигида соҳага ўзига хос услубда ёндашилаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Мазкур ташкилотда ҳам ўқув жараёнлари бугунги пандемия шароитидан келиб чиқиб, карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ташкил этилмоқда. «АИС-Ватанпарвар» электрон ўқув қўлланмаси ва бунинг асосида ишлаб чиқилган ягона тест дастури дарс машғулотларини масофадан олиб боришда имконият яратмоқда.

– Биз ўз фаолиятимиз билан ҳайдовчилар тайёрлаш тизимининг янада такомиллашувига самарали ҳисса қўшишга ҳаракат қилияпмиз, – дейди ЎСТК бошлиғи Нодирбек Тўйчиев. – Бунинг учун ташкилотимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бир сўз билан айтганда, ЎСТК жамоаси ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда малакали ҳайдовчилар тайёрлашга

«Ватанпарвар» ташкилоти Олтиариқ тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси туман ҳудудида истиқомат қилувчи барча ёшларни автомобиль бошқаришнинг «В», «ВС», «D» ҳамда «Е» тоифаларига ўқишга таклиф қилади.

Эслатма: назарий машғулотлар масофадан туриб онлайн тарзда олиб борилади.

Амалий машғулотлар эса карантин талаблари доирасида олиб борилиши кафолатланади.

Манзил: Олтиариқ тумани, Қапчиғой қишлоғи, Мустақиллик кўчаси, 306-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 91-128-07-78, 90-532-14-03.

Хизматлар лицензияланган.



алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, бу ерда ҳам эндиликда турдош ташкилотлар қатори ўқитиш жараёнини ўз ичига олган анимация эффектлари, электрон ўқув-услубий қўлланмалар, ҳар бир синфхонадаги инновацион видеопроекторлар, компьютерлар жамланмаси ижобий самарасини бериб, ўқувчиларнинг онлайн-дарсларга қизиқишининг янада ошишига олиб келмоқда.

Шу кунларда ташкилотда кўплаб ёшлар автомобиль бошқаришнинг «В», «ВС», «Е» ҳамда «D» тоифаларига ўқитилмоқда. Турли русумдаги ўқув автомобиллари тингловчилар ихтиёрида бўлиб, амалий машғулотлар санитария-гигиена қоидалари асосида олиб борилмоқда. Махсус жиҳозланган

синфхоналарда йўл ҳаракати қоидалари ва автомобиллар тузилишига оид билим ҳамда кўникмалар масофадан туриб онлайн тарзда ўқувчиларга етказилмоқда.

ЎСТКга аъзо бўлган ёшлар учун спортнинг техник ва амалий турларидан ҳаво милтиғидан ўқ отиш, картинг каби муҳим турлари билан шуғулланиш имконияти ҳам яратилган. Эндиликда ташкилотда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Чунки ЎСТК жамоаси нафақат ҳайдовчи мутахассислар тайёрлаш, балки ҳар томонлама етук ва баркамол ёшларни тарбиялашни ҳам ўз олдларига асосий мақсад қилиб қўйишган.

Акбар АЛИ



Bolajon

TURKIY TIL NAZDIDA

Alisher NAVOIY

**Chunki toptim ul kalom ichra kamol,
Turk alfozi bila surdum maqol...
Turk nazmida chu men tortib qalam,
Ayladim ul mamlakatni yakqalam...**

* * *

**Men turkcha boshlabon rivoyat,
Qildim bu fasonani hikoyat;
Kim shuhrati jahonga to'lg'ay,
Turki bila dag'i bahra olg'ay.
Chunki bu kun jahonda atrok
Ko'ptur xush tab, sof idrok...**



Abdulla AVLONIY

HIFZI LISON

Hifzi lison deb har bir millat o'z ona tili va adabiyotini saqlamagani aytilur. Har bir millatning dunyoda borlig'in ko'rsatadurgan o'yinayi hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmaktur. Hayhot! Biz turkistonliklar milliy tilni saqlamak bir tarafda tursun kundankun unutmak va yo'qotmaktadurmiz. Tilimizning yarmiga arabiy, forsiy ulangani kamlik qilub, bir chetiga rus tilini ham yopishdurmaktadurmiz. Durust, bizlarga hukumatimiz bo'lg'on rus lisonini bilmak hayot va saodatimiz uchun osh va non kabi keraklik narsadur. Lekin o'z yerinda ishlatmak va so'zlamak lozimdur. Zig'ir yog'i solub, moshkichiri kabi qilub, aralash-quralash qilmak tilning ruhini buzadur.

"Yohu! Bizga na bo'ldi? Bobolarimiz yo'lidan chiqub ketduk. Yaxshi qo'shningdan olguncha yomon uyingni qidir", - demishlar. Bobolarimizga yetushg'on va yaragan muqaddas til va adabiyot bizga hech kamlik qilmas. O'z uyimizni qidirsak va axtarsak yo'qolganlarini ham toparmiz. "Yo'qolsa yo'qolsun, o'zi boshimga tor edi", - deb Ovrupo qalpog'ini kiyub, kulgi bo'lmak zo'r ayb va uyatdur.

**Ey ona til, aziz qadrdonim,
Iltifoti ruhim, Rahmonim.
Tug'dig'im kundan aylading ulfat,
O'lguncha ayilma, ey jonim.
Menga ilm-u adab san o'rgatding,
Chin adib, muallim, shonim.
Millatning ruhini ko'targuchisan,
Ey muqaddas karamli sultonim.**

Umumiy milliy tilni saqlamak ila barobar xususiy og'iz orasidagi tilni ham saqlamak lozimdur. Chunki so'z insonning daraja va kamolini, ilm va fazlini o'lchab ko'rsatadurgan tarozusidir. Aql sohiblari kishining dilidagi fikr va niyatini, ilm va quvvatini, qadr va qiymatini so'zlagan so'zidan bilurlar. "Quruq so'z quloqqa yoqmas", - demishlar.

Agar so'z aql va hikmatga muvofiq bo'lub, o'ziga yoki eshituvchiga bir foyda chiqadurgan bo'lmasa, asalarilari orasida g'ung'ullab yurgan qovoqari kabi quruq g'o'ng'ullamoq faqat bosh og'rig'idan boshqa bir narsa emasdur. Boshimizga keladurgan qattig' kulfatlarning ko'pi yumshoq tilimizdan keladur. Shuning uchun: "Ko'p o'yla, oz so'yla", - demishlar.

Tillarning eng yaxshisi so'zga usta til, so'zlarning eng yaxshisi bilub, oxirini o'ylab so'ylangan so'zdur.

**Go'zallik yuzda ermas, ey birodar,
So'zi shirin kishi har kimga yoqar.
So'zing oz bo'lsin-u ma'noli bo'lsun,
Eshitkanlar qulog'i durga to'lsun.
So'zing bo'lsa kumush, jim turmak oltin,
Misi chiqq'ay so'zing ko'p bo'lsa bir kun.
Ko'paygan so'zni bo'lgay to'g'risi oz,
Shakarning ko'pidan ozi bo'lur soz.**

Hikmatlar xazinasi



Anjom – uy ziynati,
So'z – inson ziynati.

Bug'doy noning bo'lmasa ham,
Bug'doy so'zing bo'lsin.

Iliq so'z – shakar,
Sovuq so'z – zahar.

Kishining o'zi yetmagan
yerga so'zi yetar.

Mazali so'zga quloq charchamas.

ОБУНА – 2021

«VATANPARVAR» ГАЗЕТАСИ НАШР КЎРСАТКИЧИ – 114

«ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ» ЖУРНАЛИ НАШР КЎРСАТКИЧИ – 1273



— БИЗ «VATANPARVAR»НИ
ТАНЛАДИК. СИЗ-ЧИ?



VATANPARVAR

БИР ЧИМДИМ

Ишбилармон, мардлик ва
шижоат соҳиби, тadbиркор ва
хушёр бир киши тadbирсиз,
лоқайд минг кишидан яхши.

Амир **ТЕМУР**

БИЛАСИЗМИ?

Жак ив Кусто кўп йиллик тadbиротлари тугагач, Ер сайёрасининг номини бошқа ном билан аташни таклиф этган. Бу қандай ном эди?

Жавоб: сўв.

БИЛАСИЗМИ?

Германия канцлери Отто Бисмарк буюк Германияни яратиш учун бир касб эгаларини кўпайтиришни талаб қилган. У юқори малакали шу касб эгалари тўфайли Германия 10 йилдан кейин қудратли давлатга айланади, деган. Бу қайси касб эгалари эди?

Жавоб: ўқитувчилар.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

Жанговар тайёргарлик: машғулотлар қандай кечмоқда?

Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

Бош муҳаррир:

майор
Ахрор ОЧИЛОВ

Навбатчи:

майор
Гулнора ҲОЖИМУРОВОВА

Саҳифаловчилар:

Роберт ИСЛАКАЕВ
Нодирабегим ВАЛИЕВА

Мусаҳҳиҳлар:

Зебо САРИЕВА
Мастура ҚУРБОНОВА

Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50
бухгалтерия: (71) 260-35-20
юримдик бўлим: (71) 269-88-91
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган тахририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Буюртма: г-1062.
Ҳажми: 6 босма табоқ.
Бичими: АЗ.
Адади: 30 432 нусха.
Босишга топшириш вақти: 14:00.
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.
Баҳоси: келишилган нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100164, Тошкент,
Университет кўчаси, 1-уй.